

# АЛЛОҲГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ

“Мухтасар ақида” китобидан иқтибос

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



**Шайх Аҳмад ибн Абдуррахмон  
Ал-Қозий**



**Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий**

**Мухаррир: Абу Абдуллох Шоший**

# الإيمان بالله

مقتبسة من كتاب "العقيدة الميسرة"

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



د. أحمد بن عبد الرحمن القاضي



ترجمة: أبو جعفر البخاري  
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## АЛЛОҲГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ

«Аллоҳга иймон келтириш» — Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг борлиги, Унинг фақат ўзигина ибодат қилинишга лойиқ, камолот сифатлари билан сифатланган, нуқсонли сифатлардан пок ва барча нарсаларнинг Роббиси эканига қатъий эътиқод қилишдир.

### Биринчи: Аллоҳнинг борлигига иймон келтириш

Аллоҳнинг борлиги ҳақиқатларнинг ҳақиқатидир:

﴿ ذَلِكْ بِأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَقُّ ﴾

«Сабаби, фақат Аллоҳ ҳақдир» (Ҳаж: 62).

Аллоҳнинг борлиги ҳақида шубҳага тушишнинг ўзи туҳмат ва онқўрликдир:

﴿ قَالَتْ رُسُلُهُمْ أَفِي اللَّهِ شَكٌّ فَاطِرِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ﴾

«Пайғамбарлари айтдилар: «Осмонлар ва Ернинг яратувчиси бўлмиш Аллоҳ(нинг борлиги ва бирлиги) хусусида шак-шубҳа бўлиши мумкинми?!» (Иброҳим: 10).

Аллоҳнинг борлигини инкор этиш кибр ва куфрдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قَالَ لَقَدْ عَلِمْتُمْ مَا أَنْزَلَ هَؤُلَاءِ إِلَّا رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ بِصَآئِرٍ  
وَإِنِّي لَأَظُنُّكَ يَا فِرْعَوْنُ مُثَبَّرًا ﴾

«(Мусо) деди: «(Эй Фиръавн), сен анави очиқ-равшан (мўъжизаларни) фақат осмонлар ва Ернинг Парвардигоригина нозил қилганини аниқ билурсан. Ҳеч шубҳа йўқки, эй Фиръавн, мен сени ҳалок қилингувчи, деб ўйламоқдаман»» (Исро: 102);

﴿ قَالَ فِرْعَوْنُ وَمَا رَبُّ الْعَالَمِينَ . قَالَ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا  
بَيْنَهُمَا إِنْ كُنْتُمْ مُوقِنِينَ . قَالَ لِمَنْ حَوْلَهُ أَلَا تَسْمِعُونَ . قَالَ رَبُّكُمْ وَرَبُّ  
آبَائِكُمُ الْأُولِينَ . قَالَ إِنَّ رَسُولَكُمْ الَّذِي أُرْسِلَ إِلَيْكُمْ لَمَجْنُونٌ . قَالَ  
رَبُّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَمَا بَيْنَهُمَا إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ ﴾

«Фиръавн деди: «Барча оламларнинг Парвардигори (деганинг) нимаси яна?». (Мусо) айтди: «У агар ишонадиган бўлсанглар, осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Парвардигори — ҳожасидир. (Фиръавн) атрофидаги (аъёнлар)ига: «Қулоқ солмайсизлар-ми?», деб (масхара қилди). (Мусо) айтди: «У сизларнинг ҳам, ўтган ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигоридир». (Фиръавн) деди: «Сизларга элчи қилиб юборилган бу пайғамбарингиз шак-шубҳасиз жиннидир». (Мусо) айтди: «Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар, У машриқ ва мағрибни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигоридир»» (Шуаро: 23 - 28).

Аллоҳ таолонинг борлигига бир неча нарса далолат қилди. Шулардан:

## 1 — Соғлом фитрат.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفاً فِطْرَةَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴾

«Бас (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўзингизни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутинг! Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни сақлангиз! Аллоҳнинг яратиши ўзгартирилмас. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар» (Рум: 30).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳар бир чақалоқ фитрат узра туғилади. Бас, уни яхудий қилган ҳам, насроний қилган ҳам, мажусий қилган ҳам ота-онасидир» (Имом Бухорий ривояти).

Ўзининг соғлом фитратида қолган ва фитратини бузадиган бирон нарса содир бўлмаган ҳар бир банда, қалбида Аллоҳ таолога бўлган иймонни ҳис қилади. Аллоҳ таоло қудсий ҳадисда шундай дейди: «Мен бандаларимни мусулмон қилиб яратдим. Бироқ, уларга шайтонлар келиб, динларидан воз кечтирди» (Имом Муслим ривояти).

## 2 — Соғлом ақл.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَالِقُونَ ﴾

«Балки улар хеч нарсадан (яъни, Яратгувчисиз) яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратгувчимиканлар-а?!» (Тур: 35).

Шаҳват ва шубҳалардан мосуво бўлган ақл, махлуқотларнинг яратгувчи Холиқи бўлиши керак-лигига қатъий ишонади. Чунки, махлуқотлар тасодифан яратилиши ёки баъзилари бошқаларини яратишлари мумкин эмас. Зеро йўқ нарса бор нарсани ярата олмайди! Яратгувчи Холиқнинг бўлиши шартдир. У эса Аллоҳ таолодир. Арабларнинг жоҳилият замонидаги истеъдодли нотикларидан бири бўлган Қусс ибн Соида Иёдий, ақлининг соғломлиги билан, шундай деган эди: «Қумалоқ туяга, из эса юришга далолат қилади. Шундай экан, юлдузли осмон, водийлари мўл замин яратгувчи ва хабардор Зотга далолат қилмай-дими?!».

### 3 — Гувох ҳислар.

Аллоҳ таоло пайғамбари Нуҳ алайҳиссалоту вассалом ҳақида шундай деди:

﴿ فَدَعَا رَبَّهُ أَنِّي مَغْلُوبٌ فَانتَصِرْ . فَفَتَحْنَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ بِمَاءٍ مُنْهَمِرٍ .

وَفَجَّرْنَا الْأَرْضَ عُيُونًا فَالْتَقَى الْمَاءُ عَلَى أَمْرٍ قَدْ قُدِرَ . وَحَمَلْنَاهُ عَلَى

ذَاتِ الْأَوَاحِ وَدُسِّرَ . تَجْرِي بِأَعْيُنِنَا جَزَاءَ لِمَنْ كَانَ كُفِرَ ﴿

«Шунда у Парвардигорига: «Мен (у кофир кавмидан) мағлубдирман. Ўзинг ёрдам қилгин», деб дуо-илтижо қилган эди. Биз осмон дарвозаларини (тинимсиз) қуйилгувчи сув — сел билан очиб юбордик. Ва барча ердан чашмалар чиқариб

**юбордик. Бас,** (осмон ва Ернинг) **суви тақдир қилиб қўйилган бир иш** (яъни кофирларни ғарқ қилиб юбориш) **устида учрашдилар!** **Уни** (Нухни) **эса тахтаю михлар эгасида** (яъни тахталар ва михлардан ясалган бир кемада) **қўтардик. У** (кема) **Бизнинг кўз ўнгимизда** (ҳифзу ҳимоямизда) **сузар.** (Бу ўз қавми томонидан пайғамбарлиги) **инкор қилинган киши** (яъни Нух пайғамбар) **учун мукофотдир»** (Қамар: 10 - 14).

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ اضْرِبْ بِعَصَاكَ الْبَحْرَ فَانْفَلَقَ فَكَانَ كُلُّ فِرْقٍ كَالطُّورِ الْعَظِيمِ . وَأَزْلَفْنَا ثَمَّ الْآخِرِينَ . وَأَنْجَيْنَا مُوسَىٰ وَمَنْ مَعَهُ أَجْمَعِينَ . ثُمَّ أَعْرَفْنَا الْآخِرِينَ . إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ ﴾

**«Бас, Биз Мусога:** (Асоинг билан) **денгизни ургин»,** деб ваҳий юбордик. **Бас** (денгиз) **бўлиниб, хар бир бўлак** (сув) **баланд тоғ каби бўлди.** (Сўнг Мусо ва унинг қавми денгиз ўртасидан очилган йўлга тушдилар.) **Ва кейингиларни** (яъни Фиръавн ва унинг қўшинини ҳам) **ўша** (йўлга) **яқин қилдик. Ва Мусо хамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига нажот бердик. Сўнгра кейингиларни** (денгизга) **ғарқ қилиб юбордик. Албатта бунда** (Фиръавн ва унинг қавми ҳалокатида) **оят-ибрат бордир.** (Лекин одамларнинг) **кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар»** (Шуаро: 63 - 67).

Аллоҳ таоло пайғамбари Ийсо алайҳиссалоту  
вассалом ҳақида шундай деди:

﴿ وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ أَنِّي أَخْلُقُ  
لَكُمْ مِّنَ الطَّيْنِ كَهَيْئَةِ الطَّيْرِ فَأَنْفُخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُبْرِئُ  
الْأَكْمَةَ وَالْأَبْرَصَ وَأُحْيِي الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِ اللَّهِ وَأَنْتَبِئُكُمْ بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا  
تَدَّخِرُونَ فِي بُيُوتِكُمْ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لَّكُمْ إِن كُنتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴾

«... уни бани Исроил қавмига пайғамбар қилади. (Ийсо бани Исроилга дейди): «Мен (Ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларингизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир»» (Оли Имрон: 49).

Аллоҳ таоло умумий тарзда айтди:

﴿ أَمَّن يُجِيبُ الْمُضْطَّرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ ﴾

«Ёки музтар инсон дуо қилганида ижобат қиладиган, ёмонликларни қушойиш қиладиган ... ким?!» (Намл: 62).

Пайғамбарларнинг мўъжизалари, дуоғўйлар дуо-сининг ижобати, мусибатланганларнинг фарёдлари — одамларнинг бир гуруҳи идрок этган сезиларли далиллар бўлиб, мўъжизаларни юборган, дуоларини ижобат қилган ва одамларга ёрдам берган Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг борлигига аниқ гувоҳ бўлади.

#### 4 — Баркамол шариат.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا

﴿ كَثِيرًا

«Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қаршиликларни топган бўлар эдилар-ку?!» (Нисо: 82);

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُبِينًا

«Эй одамлар, сизларга Парвардигорингиздан хужжат келди. Ва Биз сизларга равшан нурни нозил қилдик» (Нисо: 74);

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَتْكُمْ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَشِفَاءٌ لِمَا فِي الصُّدُورِ

﴿ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ

«Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиз томонидан панд-насихат, дилларингиздаги бузук эътиқодлардан иборат нарсаларга шифо ва иймон

келтирган зотларга хидоят ва раҳмат (яъни, Қуръон) келди» (Юнус: 57).

Қуръон Азийм ўз ичига олган ва амалда кўринган ғайб ҳақиқатлари, баркамол эътиқодлар, одил шариатлар ва олийжаноб ахлоқларнинг барчаси, ўзларининг Аллоҳ тарафидан келган экани, биронта махлуқ тарафидан келиши мумкин эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу боис одамзоднинг биронтаси, аслида, Аллоҳнинг борлигини инкор эта олмаган бўлсада, айрим даҳрийларгина қадим ва ҳозирги замонларда Аллоҳнинг йўқ эканини айтгандек кўринишган. Масалан:

### 1 — Даҳрийлар.

Улар:

﴿ مَا هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يُهْلِكُنَا إِلَّا الدَّهْرُ وَمَا لَهُمْ بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنْ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ ﴾

«Улар (яъни Қиёматни инкор қилгувчилар: «Ҳаёт) фақат дунёдаги ҳаётимиздир. (Баъзиларимиз) ўлиб, (бошқаларимиз) ҳаётга келаверамиз ва бизларни (Аллоҳ ўлдирмайди, балки) фақат замон (ўтиши)гина ўлдиради», дедилар. Улар фақат (шундай) гумон қилурлар холос» (Жосия: 24) дейишган ва: Бу олам ўзи ҳаракат қилади. У азалдан шундай ва шундай давом этади! Қоринлар туғаверади, Ер ютаверади! Бизни замоннинг ўтиши ўлдиради, — деб гумон қилиб, бандаларни Холиқларидан айирганлар.

Аллоҳ таоло уларга:

﴿ وَمَا لَهُمْ بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ ﴾

«Бу ҳақда уларнинг маълумотлари йўқдир» (Жосия: 24) дея раддия берди. Уларда ақл, нақл, хислар ва (соғлом) фитрат йўқдир. Балки тахмин ва гумон бордир:

﴿ إِنَّ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ ﴾

«Улар фақат (шундай) гумон қилурлар холос» (Жосия: 24).

## 2 — Моддиюнчилар.

Моддиюнчилар — олам табиат, яъни предметлар — ўсимликлар ёки ҳайвонот дунёси ёхуд жонсиз нарсалардан ва уларнинг хусусиятларидан пайдо бўлиб, ўзи ва ҳаракатларини вужудга келтирган, деб айтадилар. Уларга бериладиган раддия жуда ҳам очикдир: нарсаларнинг бир пайтнинг ўзида холиқ — яратувчи ва махлуқ — яралмиш бўлиши ақлга сиғмайди. Шу боис Аллоҳ таоло:

﴿ أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَالِقُونَ ﴾

«Балки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратувчисиз) яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратувчимиканлар-а?!» — деди (Тур: 35).

Улар пайдо бўлишни боғлашаётган табиат — кўр, қар, соқов, ҳиссиёт ва туйғулари бўлмаган жонсизлар мажмуасидир. Шундай экан, улар эшитадиган, кўра-диган, гапирадиган, алам ва орзуларни ҳис қиладиган жонли махлуқотларни қандай пайдо қилишлари мум-

кин?! Ўзида бўлмаган нарсани бошқаларга қандай бера олишлари мумкин?!

### 3 — Тасодифчилар.

Тасодифчилар: «Коинот тасодиф йўли билан пайдо бўлган», дейдилар. Яъни, молекула ва зарраларнинг бирлашиши тасодиф йўли билан ҳаётнинг пайдо бўлишига олиб борган ҳамда турли махлуқотлар олдиндан қилинган тадбирсиз ва пухталаштирилмай вужудга келган, демоқчилар! Бу иддаони курук тасаввур қилишнинг ўзи ҳам, унинг асоссиз ва соқит эканига етарлича далил бўлади. Чунки, махлуқотлардаги пухталиқ, уларнинг ҳайратомуз тартиби, давомий қонунлар асосида мудомликлари, улар орасидаги ўзаро муаносиблик тасодиф даъвосига монъе бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿صَنَّ اللَّهُ الَّذِي أَنْقَضَ كُلَّ شَيْءٍ﴾

«(Бу) барча нарсани пухта қилган зот — Аллоҳнинг ҳунаридир», — деди (Намл: 88);

﴿اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ وَمِنَ الْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَتَنَزَّلُ الْأَمْرُ بَيْنَهُنَّ﴾

﴿لِتَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا﴾

«Аллоҳ етти осмонни ва Ердан ҳам ўшаларнинг мислини (яъни етти қават Ерни) яратган зотдир. (Аллоҳнинг) амри фармони уларнинг (яъни етти қават осмон ва етти қават Ернинг) ўртасига нозил бўлиб-тарқалиб турур. Токи сизлар Аллоҳнинг барча нарсага қодир эканлигини ва Аллоҳ барча нарсани (Ўз) билими билан ихота қилиб олганини

билишларингиз учун (У зот сизларга юқорида зикр қилинган нарсалар ҳақида хабар берди)», — деди (Талок: 12).

#### 4 — Коммунистлар.

Коммунистлар: «Аллоҳ йўқдир ва ҳаёт моддадан иборатдир», дея иддао қиладилар.

#### 5 — Айрим шахслар.

Тарих давомида яшаб ўтган Фиръавн каби одамлар. Фиръавн:

﴿ وَمَا رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾

«Оламлар Роббиси нима дегани?» деган бўлса (Шуаро: 23), Намруд:

﴿ أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِي حَاجَّ إِبْرَاهِيمَ فِي رَبِّهِ أَنْ آتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ إِذْ قَالَ  
 إِبْرَاهِيمَ رَبِّيَ الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا أُحْيِي وَأُمِيتُ قَالَ إِبْرَاهِيمُ فَإِنَّ  
 اللَّهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ  
 وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴾

«Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсанинг (Намруднинг) холи-хабарини билмадингизми? Қайсики Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир», деганида, у: «Мен (хам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта Аллоҳ қуёшни Машриқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан

**чиқаргин-чи?» Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди», деган (Бақара: 258).**

Мазкур эътиқоддаги одамларнинг барчаси зиддиятлар ичида яшаб, ўз фитратларини инкор қиладилар. Бунга Аллоҳ таоло ушбу ояти билан гувоҳлик берган:

﴿ وَجَحَدُوا بِهَا وَاسْتَيْقَنَتْهَا أَنفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ

الْمُفْسِدِينَ ﴾

**«Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у (мўъжизаларни) инкор этдилар. Энди (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг» (Намл: 14). Шунинг учун ҳам уларнинг ишлари юрмаган ва асарлари ҳам қолмаган.**

### **Иккинчи: Аллоҳ таолонинг рубубияти (парвардигорлиги)га иймон келтириш**

Бу — Аллоҳ таолонинг ўзигина Парвардигор, Яратувчи, Эгадор, Буюрувчи дея қатъий эътиқод қилишдир.

«Робб» сўзининг маъноси, «Бутун оламларни ўз неъматлари билан тарбия қилган Эгадор (Подшоҳ), Бошқарувчи Ҳожа», демакдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قَالَ فَمَنْ رَبُّكُمَا يَا مُوسَى . قَالَ رَبُّنَا الَّذِي أَعْطَى كُلَّ شَيْءٍ خَلْقَهُ ثُمَّ ﴾

﴿ هَدَى ﴾

«(Фиръавн) деди: «Сизларнинг Парвардигорингиз ким, эй Мусо?». (Мусо) айтди: «Парвардигоримиз барча нарсага ўз хилқатини — шаклини ато этиб, сўнгра (уни) тўғри йўлга солиб қўйган зотдир»» (Тоҳа: 49, 50).

Рубубиятнинг асоси уч нарсага таянади:

### 1 — Яратиш

Аллоҳ таоло барча нарсанинг Холиқи-Яратгувчиси бўлиб, Ундан ўзга барча нарсалар махлуқ-яралмишлардир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ ﴾

«Аллоҳ барча нарсанинг Холиқи-Яратгувчисидир» (Зумар: 62);

﴿ وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا ﴾

«ва барча нарсани яратиб (аник) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир» (Фурқон: 2).

Махлуқлар нисбатини ташкил қилиш, бирлаштириш ва ўлчаш маъносида бошқа бировларга бериш нисбий бўлиб, қуйидаги оятда зикр қилинганидек, йўқдан бор қилиш маъносида эмасдир:

﴿ فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ ﴾

«Бас энг гўзал яратгувчи (яъни йўқдан бор қилгувчи бўлмиш) Аллоҳ баракотли — буюқдир» (Мўминун: 14).

## 2 — Эгадорлик

Аллоҳ — Молик-Эгадор, махлуқлар эса Унинг мулкидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ﴾

«Еру осмонлар ёлғиз Аллоҳнинг мулки эканини ... билмадингизми?» (Бақара: 107);

﴿ وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ﴾

«Еру осмонларнинг эгадорлиги Аллоҳникидир» (Оли Имрон: 189);

﴿ قُلِ اللَّهُمَّ مَالِكِ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مَنْ تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ مِمَّنْ

تَشَاءُ ﴾

«Айтинг: «Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан» (Оли Имрон: 26);

﴿ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ شَرِيكٌ فِي الْمُلْكِ ﴾

«Эгадорликда У (Аллоҳ)нинг шериги йўқдир» (Исро: 111);

﴿ ذَلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ الْمُلْكُ وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مَا يَمْلِكُونَ مِنْ

﴿ قَطْمِيرٍ ﴾

«Ана шу Аллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздирки, (барча оламларга) подшоҳлик ёлғиз Униқидир. (Эй мушриклар), сизлар У зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса пўстлоқча нарсага ҳам эга эмасдирлар» (Фотир: 13).

Аллоҳдан бошқасига нисбатланган эгадорлик, Аллоҳ таолонинг ушбу қавлларида келганидек, нисбий, муваққат ва жузъий эгадорликдир:

﴿ يَا قَوْمِ لَكُمْ الْمُلْكُ الْيَوْمَ ظَاهِرِينَ فِي الْأَرْضِ ﴾

«Эй қавмим, бугунку мулку давлат сизларники, мана шу ерда ғолибсизлар» (Ғофир: 29);

﴿ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ﴾

«ёки қўл остингиздаги чўрилар ...» (Нисо: 3);

﴿ إِنَّا نَحْنُ نَرِثُ الْأَرْضَ وَمَنْ عَلَيْهَا وَإِلَيْنَا يُرْجَعُونَ ﴾

«Шак-шубҳасиз Биз Ўзимиз бу ерга ва ундаги бор жонзотга меросхўр бўлурмиз (яъни барча жонзот ўтар, ёлғиз Бизгина қолурмиз). Ва фақат Бизгагина қайтурлар» (Марям: 40).

### 3 — Буюриш

Бутун буйруқлар Аллоҳга хос бўлиб, Ундан бошқалари буюрилган (хизматчи)дир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ إِنَّ الْأَمْرَ كُلَّهُ لِلَّهِ ﴾

«**Айтинг** (эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам): «**Бутун иш Аллохнинг** (кўлида)!»» (Оли Имрон: 154);

﴿ أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾

«**Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Парвардигори — Аллох буюкдир**» (Аъроф: 54);

﴿ وَقَضَى الْأَمْرَ إِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ ﴾

«... **иш тамом бўлади** (яъни улар куфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар). **Ва барча ишлар ёлғиз Аллохга қайтарилажак**» (Бақара: 210).

Аллоҳ таоло Пайғамбарига:

﴿ لَيْسَ لَكَ مِنَ الْأَمْرِ شَيْءٌ ﴾

«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам), **Сиз учун бу ишда** (яъни бандаларга нажот бериш ёки уларни ҳалок қилиш ишида) **ҳеч бир нарса** (яъни инон-ихтиёр) **йўқдир**» (Оли Имрон: 128) деган бўлса, бошқалар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?!

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ اللَّهُ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلُ وَمِنْ بَعْدُ ﴾

«**Аввалу-охир барча иш Аллохнинг** (измида)-**дир**» (Рум: 4).

Аллоҳ таолонинг ўзигина махлуқотлари устидан буйруқ бергувчидир. Аллоҳдан бошқаларга нисбатлан-

ган буйруқлар эса нисбий ва Аллоҳнинг хоҳишу иродаси зимнига кириб, қуйидаги оятда баён қилинганидек, Аллоҳ уларни хоҳласа жорий қилади, хоҳламаса йўқ:

﴿ فَاتَّبِعُوا أَمْرَ فِرْعَوْنَ وَمَا أَمْرُ فِرْعَوْنَ بِرَشِيدٍ ﴾

**«... улар Фиръавннинг амрига бўйинсундилар. Ҳолбуки, Фиръавннинг амри тўғри эмасдир»** (Худ: 97).

Аллоҳ таолонинг буйруқлари кавний буйруқларни ҳам, шаръий буйруқларни ҳам ўз ичига олади.

Кавний буйруқларнинг ижроси муқаррар бўлиб, улар Аллоҳнинг хоҳиши билан айни маънодадир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ﴾

**«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоклигидир. Бас у (нарса) бўлур — вужудга келур»** (Ёсин: 82).

Аллоҳ таолонинг шаръий буйруқлари эса синов ўрнидадир. У, муҳаббат сўзи билан айни маънодадир. Бу буйруқлар гоҳида амалга ошади, гоҳида эса амалга ошмайди. Бу ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг умумий истаклари ичига дохилдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

﴿ لِمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتَقِيمَ . وَمَا تَشَاؤُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ

الْعَالَمِينَ ﴾

**«У (Қуръон) ҳеч шак-шубҳасиз бутун оламлар учун — сизларнинг орангиздаги Тўғри йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун бир эслатмадир. Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсизлар»** (Таквир: 28, 29).

Аллоҳ субҳонаху ва таоло рубубиятининг ризқ бериш, тирилтириш, ўлдириш, ёмғир ёғдириш, ўсимлик ўстириш, шамоллар эстириш, сайёраларни ҳаракатлантириш, кеча ва кундузни кетма-кет айлантириш, урчитиш, туғдириш, соғлик ва касаллик, иззат ва хорлик бериш ва бундан бошқа сифатларининг барчаси юқоридаги учта хусусият: яратиш, эгадорлик ва буюришга таянади.

Аллоҳ таолонинг рубубиятига бўлган ушбу иймон фитратларда марказлашган, оддий ақл билан идрок этилган, Коинотда ҳис этилган ва шарият матнларида кўплаб келгандир. Бунинг Аллоҳнинг китобидаги далилларида баъзилари қуйидагилардир:

﴿ إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلْكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَع النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَضْرِيفِ الرِّيَّاحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴾

**«Албатта осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган**

кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик Ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва Ер орасидаги итоатгўй булутда — (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир» (Бақара: 164);

﴿ تُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَتُؤَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَتُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَتُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَتَزُزُّ مَن تَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴾

«Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда истаган кишингга бехисоб ризқ берурсан» (Оли Имрон: 27);

﴿ إِنَّ اللَّهَ فَالِقُ الْحَبِّ وَالنَّوَى يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَمُخْرِجُ الْمَيِّتِ مِنَ الْحَيِّ ذَلِكَ اللَّهُ فَالِقُ الْإِصْبَاحِ وَجَعَلَ اللَّيْلَ سَكَنًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ حُسْبَانًا ذَلِكَ تَقْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ . وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ النُّجُومَ لِتَهْتَدُوا بِهَا فِي ظُلُمَاتِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ قَدْ فَضَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ . وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ فَمُسْتَقَرٌّ وَمُسْتَوْدَعٌ قَدْ فَضَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَفْقَهُونَ . وَهُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ نَبَاتَ كُلِّ شَيْءٍ فَأَخْرَجْنَا مِنْهُ خَضِرًا نُخْرِجُ مِنْهُ حَبًّا مُتَرَاكِبًا وَمِنَ النَّخْلِ مِنَ طَلْعِهَا قَنَاطٌ دَانِيَةٌ وَجَنَّاتٍ مِنْ أَعْنَابٍ وَالزَّيْتُونَ وَالرُّمَّانَ

مُشَبَّهًا وَغَيْرَ مُتَشَابِهٍ انظُرُوا إِلَى ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَيَنْعِهِ إِنَّ فِي ذَلِكُمْ لآيَاتٍ

لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿﴾

«Албатта, Аллоҳ дон ва уруғларни ёриб-ундиргувчидир. У ўликдан тирикни чиқарур, ўликни тирикдан чиқаргувчидир. Ана ўша зот Аллоҳдир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?!»

(У зулматни ёриб) тонгни чиқаргувчидир. У кечани сукунат-ором қилиб қўйди, қуёш ва ойни эса ҳисоб ўлчови қилди. Бу қудратли ва билгувчи зотнинг ўлчовидир. У қуруклик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун сизларга юлдузларни яратиб қўйган зотдир. Биладиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. У сизларни бир жондан (Одам алайҳис-саломдан) пайдо қилган зотдир. Бас, (сизлар учун она қорни) қароргоҳ ва (ота пушти) омонат турадиган жойдир. Англайдиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. У осмондан сув туширган зотдир. Бас, у сув ёрдамида ҳар турли набототни чиқардик. Ундан эса гиёҳларни чиқардик. Ундан (гиёҳдан) устма-уст бўлган донларни (яъни бошоқларни) чиқарурмиз. Хурмо новдаларидан (йиғиб-териб олгувчилар учун) яқин бошлар-ғужумлар (бўлур). Яна узумзор боғларни ҳамда (барглари) бир-бирига ўхшаган, (мевалари эса) ўхшамайдиган зайтун ва анорларни (чиқарурмиз). (Эй инсонлар), уларнинг ҳар бирини мева туккан пайтидаги мевасига ва кейин пишган ҳолига боқинг! Албатта, бунда иймон

келтирадиган қавм учун оят-муъжизалар мавжуд-  
дир» (Анъом: 95 - 99);

﴿ اللَّهُ الَّذِي رَفَعَ السَّمَاوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ  
وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى يُدَبِّرُ الْأَمْرَ يُفَصِّلُ  
الآيَاتِ لَعَلَّكُمْ بِلِقَاءِ رَبِّكُمْ تُوقِنُونَ . وَهُوَ الَّذِي مَدَّ الْأَرْضَ وَجَعَلَ فِيهَا  
رَوَاسِيَ وَأَنْهَارًا وَمِن كُلِّ الثَّمَرَاتِ جَعَلَ فِيهَا زَوْجَيْنِ اثْنَيْنِ يُغِشِي اللَّيْلَ  
النَّهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ . وَفِي الْأَرْضِ قِطْعٌ  
مُّتَجَاوِرَاتٍ وَجَنَاطٌ مِّنْ أَعْنََابٍ وَزُرُوعٌ وَنَخِيلٌ صُنُوفٌ وَعِزْرٌ صُنُوفٌ  
يُسْقَىٰ بِمَاءٍ وَاحِدٍ وَنُفُضِّلُ بَعْضَهَا عَلَىٰ بَعْضٍ فِي الْأُكُلِ إِنَّ فِي ذَلِكَ  
لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴾

«Аллох осмонларни сизлар кўргудек  
устунларсиз кўтариб қўйган, сўнгра Ўз аршига  
олий бўлиб, қуёш ва ойни Ўз амрига бўйсундирган  
зотдир. Уларнинг ҳар бири муайян муддатгача  
(яъни Қиёмат қойим бўлгунича) сайр қилаверар.  
(Аллох) барча ишнинг тадбирини қилур ва сизлар  
(Қиёмат Кунида унга) Парвардигорингизга рўбарў  
бўлишга иймон келтиришингиз учун Ўз оятларини  
муфассал баён қилур. У Ерни ёйиқ қилиб яратиб,  
унда тоғлар ва дарёлар пайдо қилган зотдир. У  
Ердаги ҳар мевани иккитадан — жуфт-жуфт (яъни  
эркак-урғочи) қилиб яратди. У кечани кундуз  
устига ёяр (яъни, кеча-кундуз ҳам бир-  
бирларининг жуфтларидир). Албатта, бу (мисол-

лар)да тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир.

Бу Ерда бир-бирига қўшни бўлган бўлак-бўлак (яъни бири унумдор бўлса, бири шўр) ерлар, узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаб кетган-шохламаган хурмолар бўлиб, (уларнинг ҳаммаси ҳам) бир сув билан суғорилур. (Лекин) Биз уларнинг айримларидан айримларини таъмлироқ-ейишлироқ қилиб қўюрмиз. Албатта, бунда ҳам ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Раъд: 2 – 4);

﴿ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ تَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ . خَلَقَ  
الْإِنْسَانَ مِنْ نُطْفَةٍ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٌ مُبِينٌ . وَالْإِنْعَامَ خَلَقَهَا لَكُمْ فِيهَا دَفْعٌ  
وَمَنَافِعُ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ . وَلَكُمْ فِيهَا جَمَالٌ حِينَ تُرِيحُونَ وَحِينَ تَسْرَحُونَ  
. وَتَحْمِلُ أَثْقَالَكُمْ إِلَىٰ بَلَدٍ لَّمْ تَكُونُوا بِالْغَيْهِ إِلَّا بِشَقِّ الْأَنْفُسِ إِنَّ رَبَّكُمْ  
لَرُؤُوفٌ رَّحِيمٌ . وَالْخَيْلَ وَالْبِغَالَ وَالْحَمِيرَ لِتَرْكَبُوهَا وَزِينَةً وَيَخْلُقُ مَا لَا  
تَعْلَمُونَ . وَعَلَى اللَّهِ قَصْدُ السَّبِيلِ وَمِنْهَا جَائِزٌ وَلَوْ شَاءَ لَهَدَاكُمْ أَجْمَعِينَ  
. هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً لَكُمْ مِنْهُ شَرَابٌ وَمِنْهُ شَجَرٌ فِيهِ تُسِيمُونَ  
. يُبْتِغِي لَكُمْ بِهِ الزَّرْعَ وَالزَّيْتُونَ وَالنَّخِيلَ وَالْأَعْنَابَ وَمِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ إِنَّ  
فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ وَسَخَّرَ لَكُمْ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ  
وَالنُّجُومَ مُسَخَّرَاتٍ بِأَمْرِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ . وَمَا ذَرَأَ

لَكُمْ فِي الْأَرْضِ مُخْتَلِفًا أَلْوَانُهُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لآيَةً لِقَوْمٍ يَذَكَّرُونَ . وَهُوَ  
الَّذِي سَخَّرَ الْبَحْرَ لِتَأْكُلُوا مِنْهُ لَحْمًا طَرِيًّا وَتَسْتَخْرِجُوا مِنْهُ حَلِيَّةً  
تَلْبَسُونَهَا وَتَرَى الْفُلْكَ مَوَاجِرَ فِيهِ وَلِتَبْتَغُوا مِنْ فَضْلِهِ وَلِعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ  
. وَالْقَى فِي الْأَرْضِ رَوَاسِي أَنْ تَمِيدَ بِكُمْ وَأَنْهَارًا وَسُبُلًا لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ  
. وَعَلَامَاتٍ وَبِالنَّجْمِ هُمْ يَهْتَدُونَ . أَفَمَنْ يَخْلُقُ كَمَنْ لَا يَخْلُقُ أَفَلَا  
تَذَكَّرُونَ . وَإِنْ تَعُدُوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا إِنَّ اللَّهَ لَغَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿

«У осмонлар ва Ерни ҳақ (қонун) билан яратди. У (мушрикларнинг) ширкларидан юксақдир. У инсонни нутфадан — бир томчи сувдан яратган эди. Баногоҳ (инсон) очикдан-очик рақибга айланиб қолди. У зот яна сизлар учун иссиқ кийим ва (турли) манфаатлар бўлсин, деб чорва молларини ҳам яратдики, сизларнинг таом-озуқаларингиз улардан бўлур. Яна сизлар учун улар кечкурун ўтлоқдан қайтаётган ва тонгда ўтлоққа кетаётган пайтида бир чирой — файз бўлур. Шунингдек, улар сизлар жонларингизни кийнаб, зўр-базўр (машаққат билан) етадиган юртларга юқларингизни элтиб берур. Албатта, Парвардигорингиз меҳрибон ва раҳмлидир. У зот яна сизлар минишингиз учун зийнат қилиб отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди). Яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур. Тўғри Йўлга (ҳидоят қилиш) ёлғиз Аллоҳ измидадир. (Зотан, йўллар) орасида эгриси ҳам бордир. Агар (Аллоҳ) хоҳлаганида сизларнинг барчангизни (Тўғри Йўлга)

хидоят қилган бўлур эди. (Лекин У зот сизларга қайси йўл тўғри ва қайси йўллар эгри эканини кўрсатиб, қай бир йўлни танлаш ихтиёрини ўзларингизга қўйиб берди ва ақл-идрок билан Тўғри Йўлни танлаб олган бахтли бандаларини Ўз хоши-иродаси билан Ўша Ҳақ Йўлга хидоят этишни ваъда қилди, эгри йўлларни танлаган кимсалар эса ҳар икки дунёда бахтсиз бўлиб, ўзларига зиён қилишлари тўғрисида хабар берди). **У осмондан сизлар учун ичимлик бўлган сувни ёғдирган зотдир. Сизлар (ҳайвонларингизни) боқадиган дов-дарахтлар (ўт-ўланлар) ҳам ўша сувдан (ичар). У зот сизлар учун ўша (сув) ёрдамида (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундириб-ўстирур. Албатта, бу нарсада (яъни, бир хил сув ёрдамида рангу рўйи, таъму лаззати бошқа-бошқа бўлган мева-чеваларнинг униб-ўсишида) тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибрат бордир. У зот сизлар (бекаму кўст ҳаёт кечиришингиз учун) кеча ва кундузни, кўёш ва ойни (бир тартибга солиб) бўйсундириб қўйди. (Барча) юлдуз — сайёралар ҳам Унинг амрига бўйинсундирилгандир. Албатта, бу нарсада ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. Яна У зот сизлар учун Ерда яратиб қўйган ранго-ранг нарсаларни (яъни, ҳайвонот ва наботот оламини, Ер ости ва Ер усти бойликларини ҳам сизларга бўйинсундирди). Албатта, бу нарсада ибрат-эслатма оладиган қавм учун оят-ибрат бордир. У сизлар янги гўшт (яъни, балиқ гўшти) ейишларингиз ва тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишларингиз учун (сизларга) денгизни ҳам бўйинсундириб қўйган зотдир. Сиз унда (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. У**

зотнинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) исташларингиз ва (берган неъматларига) шуқр қилишингиз учун (сизларга денгизларни бўйинсундириб қўйди). У зот Ер сизларни тебратмаслиги учун унда тоғларни барпо қилди, (ўзларингиз учун ичимлик бўлиши ҳамда экин-тикинларингизни суғоришингиз учун) дарёларни (оқизиб қўйди) ва (қўзлаган манзилларингизга боришда) адашмасликларингиз учун йўлларни пайдо қилди. Ва (у йўлларга) белгилар (қилиб қўйди. Кечаларда эса кишилар) юлдузлар билан йўл топулар. (Эй мушриклар), ахир (барча мавжудотни) яратувчи зот — Аллоҳ билан (ҳеч нарса) ярата олмайдиган (бутларингиз) баробарми?! Ўйламайсизларми?! Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (Наҳл: 3 - 18);

﴿وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ سُلَالَةٍ مِنْ طِينٍ . ثُمَّ جَعَلْنَاهُ نُطْفَةً فِي قَرَارٍ مَكِينٍ . ثُمَّ خَلَقْنَا النُّطْفَةَ عَلَقَةً فَخَلَقْنَا الْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا الْمُضْغَةَ عِظَامًا فَكَسَوْنَا الْعِظَامَ لَحْمًا ثُمَّ أَنْشَأْنَاهُ خَلْقًا آخَرَ فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ . ثُمَّ إِنَّكُمْ بَعْدَ ذَلِكَ لَمَيِّتُونَ . ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ تُبْعَثُونَ . وَلَقَدْ خَلَقْنَا فَوْقَكُمْ سَبْعَ طَرَائِقَ وَمَا كُنَّا عَنِ الْخَلْقِ غَافِلِينَ . وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً بِقَدَرٍ فَأَسْكَنَّاهُ فِي الْأَرْضِ وَإِنَّا عَلَى ذَهَابٍ بِهِ لَقَادِرُونَ . فَأَنْشَأْنَا لَكُمْ بِهِ جَنَّاتٍ مِّنْ نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ لَّكُمْ فِيهَا فَوَاكِهٌ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا

تَأْكُلُونَ. وَشَجَرَةً تَخْرُجُ مِنْ طُورِ سَيْنَاءَ تَنْبُتُ بِالذُّهْنِ وَصَبْغٍ  
 لِلْأَكْلِيِّينَ. وَإِنَّ لَكُمْ فِي الْأَنْعَامِ لَعِبْرَةً نُسْقِيكُمْ مِمَّا فِي بُطُونِهَا وَلَكُمْ فِيهَا  
 مَنَافِعُ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ. وَعَلَيْهَا وَعَلَى الْفُلْكِ تُحْمَلُونَ ﴿٢٦﴾

«(Қасамки), Биз инсонни (яъни Одам алайҳис-саломни) лойнинг мағзидан яратдик.

И з о ҳ. «Лойнинг мағзи»дан мурод — лой-ер жинсидаги барча моддалардир. Дарвоқеъ, замонавий тиббиёт ҳам инсон вужудида ер жинсининг барча моддалари мавжуд эканини исботлайди.

Сўнгра уни (яъни барча инсонларни) аввало мустаҳкам қароргоҳдаги (яъни бачадондаги) нутфа-маний қилдик. Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан парча гўшти яратиб, парча гўшдан суякларни яратиб, бу суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киргизиб, аввал бошдаги бир томчи сув — нутфадан бутунлай) бошқа бир жонзот ҳолида пайдо қилдик. Бас энг гўзал яратгувчи (яъни йўқдан бор қилгувчи бўлмиш) Аллоҳ баракотли — буюқдир.

Сўнгра шак-шубҳасиз сизлар (эй инсонлар), мана шундан (яъни яралиб, ҳаётга келганингиздан) кейин (ажалларингиз битгач) албатта вафот топгувчидирсизлар. Сўнгра шак-шубҳасиз сизлар қиёмат кунда қайта тирилурсизлар.

(Қасамки) Биз сизларнинг устингизда етти йўлни (яъни етти қават осмонни) яратдик. Биз Ўз халқимиздан ғофил бўлмадик.

И з о ҳ. Муфассирлар айтишича, бу оятда етти қават осмоннинг “етти йўл” деб аталишини шундай тушунмоқ мумкин: Аллоҳ таоло инсонни ва барча махлуқотни яратганидан сўнг Уларнинг ҳолидан ғофил бўлиб қолгани йўқ, балки уларга ризку рўз ёғилиб туриши учун устларида етти йўл-етти осмонни пайдо қилди.

**Ва Биз осмондан (аниқ) ўлчов билан сув (ёмғир-қор) ёғдириб, уни ерга жойлаб қўйдик. Шак-шубҳасиз, Биз уни кетказишга ҳам қодир-дирмиз.**

Сўнг Биз сизлар учун у (сув) ёрдамида хурмо ва узум боғларини пайдо қилдик. Сизлар учун у (боғларда) кўп мевалар бўлур, сизлар улардан ейсизлар. Яна (Биз сизлар учун) Тури Сайно (тоғи)дан чиқадиган ёғли ва егувчилар учун (нон) хуруш бўлган ҳолда ўсадиган бир дарахтни (яъни зайтунни яратдик).

Албатга сизлар учун чорва молларида ҳам ибрат бордир – Биз сизларни уларнинг қорнидаги сут билан суғорурмиз, яна сизлар учун уларда (юнгларидан кийимлар тўқиш, миниш каби) кўп фойдалар бордир, шунингдек улар(нинг гўшт-ёғлари) дан ейсизлар.

**Яна уларнинг устида ва (дарё-денгизларда эса) кемаларда юк ташийсизлар » (Мўминун: 21, 22);**

﴿ أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ سَحَابًا ثُمَّ يُؤَلِّفُ بَيْنَهُ ثُمَّ يَجْعَلُهُ رُكَّامًا فَتَرَى  
الْوَدَّاقَ يَخْرُجُ مِنْ خِلَالِهِ وَيُنزَلُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ جِبَالٍ فِيهَا مِنْ بَرَدٍ

فَيَصِيبُ بِهِ مَنْ يَشَاءُ وَيَصْرِفُهُ عَنِ مَنْ يَشَاءُ يَكَادُ سَنًا بَرْقَهُ يَذْهَبُ  
 بِالْأَبْصَارِ . يُقَلِّبُ اللَّهُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لَأُولِي الْأَبْصَارِ .  
 وَاللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَابَّةٍ مِنْ مَاءٍ فَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى بَطْنِهِ وَمِنْهُمْ مَنْ  
 يَمْشِي عَلَى رِجْلَيْنِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى أَرْبَعٍ يَخْلُقُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ إِنَّ  
 اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿

«Аллоҳ булутларни ҳайдашни, сўнгра уларни бирлаштиришни, сўнгра уларни устма-уст қилишни кўрмадингизми? Сўнг (булут) орасидан ёмғир чиқаётганини кўрурсиз. (Аллоҳ) осмондан — ундаги (булутлар) тоғидан дўл ёғдириб, унинг (зиёнини) Ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва Ўзи хоҳлаган кишилардан нари кетказур. Унинг чакмоғининг ёруғлиги (қараган) кўзларни кетказгудек бўлур.

Аллоҳ кеча ва кундузни айлантириб турур. Албатта бунда дил эгалари учун ибрат бордир.

Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам бор, икки оёқда юрадиганлари ҳам бор, тўрт (оёқда) юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта Аллоҳ барча нарсага кодирдир» (Нур: 43 - 45);

﴿ أَلَمْ تَرَ إِلَى رَبِّكَ كَيْفَ مَدَّ الظِّلَّ وَلَوْ شَاءَ لَجَعَلَهُ سَاكِنًا ثُمَّ جَعَلْنَا  
 الشَّمْسُ عَلَيْهِ دَلِيلًا . ثُمَّ قَبَضْنَاهُ إِلَيْنَا قَبْضًا يَسِيرًا . وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ

اللَّيْلَ لِبَاسًا وَالتَّوَمَّ سُبَاتًا وَجَعَلَ النَّهَارَ نُشُورًا . وَهُوَ الَّذِي أَرْسَلَ الرِّيحَ  
بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً طَهُورًا . لِنُحْيِيَ بِهِ بَلْدَةً  
مَيِّتًا وَنُسْقِيَهُ مِمَّا خَلَقْنَا أَنْعَامًا وَأَنَاسِيَّ كَثِيرًا . وَلَقَدْ صَرَّفْنَا فِيهِمْ  
لِيَذَكَّرُوا فَأَبَى أَكْثَرُ النَّاسِ إِلَّا كُفُورًا . وَلَوْ شِئْنَا لَبَعَثْنَا فِي كُلِّ قَرْيَةٍ نَذِيرًا  
. فَلَا تُطِعِ الكَافِرِينَ وَجَاهِدْهُمْ بِهِ جِهَادًا كَبِيرًا . وَهُوَ الَّذِي مَرَجَ  
الْبَحْرَيْنِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاحٌ وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا  
وَحِجْرًا مَّحْجُورًا . وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ مِنَ الْمَاءِ بَشَرًا فَجَعَلَهُ نَسَبًا وَصِهْرًا  
وَكَانَ رَبُّكَ قَدِيرًا ﴿﴾

«Парвардигорингизнинг (қудратини) — сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингизми?! Агар хоҳласа уни сокин — жилмас қилиб қўйган бўлур эди. Сўнгра куёшни унга (яъни соянинг борлигига) далил қилдик.

**Сўнгра уни аста-секин Ўзимизга тортиб олдик.**

Изоҳ. Юқоридаги икки оятни муфассирлар қуйи-дагича тафсир қиладилар. Субҳи содикдан то куёш чикқунича уфқда ёйилган қоронғулик билан ёруғлик ўртасидаги ҳолат — Аллоҳ Ер юзи узра ёйиб қўйган бир соядир. У зот агар хоҳласа уни кетмайдиган қилиб қўяр эди, лекин Аллоҳ таоло чиқаётган куёшни соя борлигига далил қилди — зеро Нур бўлмаса соянинг борлиги билинмас — ва у соя — пардани Ер юзидан аста тортиб олди.

(Аллох) сизлар учун кечани либос, уйқуни ором қилиб қўйган, кундузни эса (сизлар учун) қайта тирилиш қилган зотдир.

У ўз раҳматининг (яъни ёмғирнинг) олдидан хушхабар қилиб шамолларни юборган зотдир. Биз ўлик шаҳар-масканларни тирилтириш ва Ўзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ҳамда инсонларни суғориш учун осмондан пок сув ёғдирдик.

Ва у (сувни) эслатма олишлари учун (одамлар) орасида тақсимлаб қўйдик, (аммо) одамларнинг кўплари фақат куфрони неъмат қилишнигина истадилар.

Агар Биз хоҳласак, ҳар қишлоқ-шаҳарга бир (охират азобидан) қўрқитгувчи — пайғамбар юборган бўлур эдик. (Лекин Биз барча қишлоқ-шаҳардан охират азобидан огоҳ қилиш бурчини сизнинг зиммангизга юкладик).

Бас сиз кофир кимсаларга бўйинсунманг ва (Қуръон) ёрдамида уларга қарши қаттиқ курашинг!

(Аллох) икки денгиз – дарёни буниси чучук – ширин, униси шўр — аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсиқ-тўғон ва кўринмас парда қилиб қўйган зотдир.

У сувдан – нутфадан инсонни яратиб, сўнг уни насл-насаб (эгаси) ва куда-анда қилиб қўйган зотдир. Дарҳақиқат Парвардигорингиз (ҳар ишга) кодирдир» (Фурқон: 45 – 54);

﴿ فَسُبْحَانَ اللَّهِ حِينَ تُمْسُونَ وَحِينَ تُصْبِحُونَ . وَلَهُ الْحَمْدُ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَعَشِيًّا وَحِينَ تُظْهِرُونَ . يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَيُحْيِي الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَكَذَلِكَ تُخْرَجُونَ . وَمِنَ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ . وَمِنَ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافَ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّلْعَالَمِينَ . وَمِنَ آيَاتِهِ مَنَامُكُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَابْتِعَاؤُكُمْ مِّنَ فَضْلِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ . وَمِنَ آيَاتِهِ يُرِيكُمُ الْبَرْقَ خَوْفًا وَطَمَعًا وَيُنزِلُ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَيُحْيِي بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ . وَمِنَ آيَاتِهِ أَنْ تَقُومَ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ بِأَمْرِهِ ثُمَّ إِذَا دَعَاكُمْ دَعْوَةَ الْقَائِلُونَ . وَإِذَا أَنْتُمْ تَخْرُجُونَ . وَلَهُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّ لَهُ قَانُونٌ . وَهُوَ الَّذِي يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَهُوَ أَهْوَنُ عَلَيْهِ وَلَهُ الْمَثَلُ الْأَعْلَى فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

«Бас тунга кириш пайтларингизда ҳам, тонгга кириш пайтларингизда ҳам, оқшомда ҳам, пешин пайтига киришингизда ҳам Аллоҳни поклангиз (яъни У зотга ҳамду сано айтингиз. Зеро) осмонлар

ва ердаги бор ҳамду-сано Уникидир (яъни коинотдаги барча мавжудот Унга ҳамду-сано айтур).

Аллоҳ ўликдан тирикни чиқарур, тирикдан ўликни чиқарур ва ерни ўлганидан кейин (бахорда қайта) тирилтирур. Сизлар ҳам (қиёмат кунда қабрларингиздан) мана шундай чиқарилурсизлар.

(Аллоҳнинг кудрати илоҳийясига далолат қиладиган) оят-аломатларидан (бири) — У зот сизларни (яъни отангиз Одамни) тупроқдан яратгани, сўнгра сизлар башарга айланиб (Ер юзига) таралишларингиздир.

Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир.

Унинг оятларидан (яна бири) – У зот осмонлар ва ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хил қилиб қўйгандир. Албатта бунда барча оламлар учун оят-ибратлар бордир.

Унинг оятларидан (яна бири) – кечаси ва кундузи ухлашларингиз ҳамда (кундузлари) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу-рўз) ишашларингиздир. Албатта бунда англайдиган қавм учун оят-ибратлар бордир.

Унинг оятларидан (яна бири) – У зот сизларга (момақалдиروқдан) кўрккан ва (ёмғир ёғишидан) умидвор бўлган ҳолингизда чакмоқни кўргизур ва осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида ерни,

ўлганидан сўнг тирилтирур. Албатта бунда ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир.

Унинг оятларидан (яна бири) – осмон ва ер У зотнинг амри билан (фазода муаллақ) туришидир. Сўнгра (қиёмат қойим бўлганида) У сизларни (ётган) ерларингиздан бир бор чақирishi билан барчангиз бирдан (хисоб-китоб учун) чиқарсизлар.

Осмонлар ва ердаги бор жонзотлар, У зотга тегишлидирки, ҳаммаси Унга бўйинсунур.

У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (қиёмат кунда) Ўзи яна қайта яратадиган зотдир. (Қайта яратиш — тирилтириш) У зотга жуда осондир. Осмонлар ва ердаги энг юксак хислат (яъни Яккаю-Ягоналик) Униқидир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Рум: 17 - 27);

﴿الرَّحْمَنُ . عَلَّمَ الْقُرْآنَ . خَلَقَ الْإِنْسَانَ . عَلَّمَهُ الْبَيَانَ . الشَّمْسُ وَالْقَمَرُ بِحُسْبَانٍ . وَالنَّجْمُ وَالشَّجَرُ يَسْجُدَانِ . وَالسَّمَاءَ رَفَعَهَا وَوَضَعَ الْمِيزَانَ . أَلَّا تَطْغَوْا فِي الْمِيزَانِ . وَأَقِيمُوا الْوَزْنَ بِالْقِسْطِ وَلَا تُخْسِرُوا الْمِيزَانَ . وَالْأَرْضَ وَضَعَهَا لِلْأَنَامِ . فِيهَا فَاكِهَةٌ وَالنَّخْلُ ذَاتُ الْأَكْمَامِ . وَالْحَبُّ ذُو الْعَصْفِ وَالرَّيْحَانُ . فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ . خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ صَلْصَالٍ كَالْفَخَّارِ . وَخَلَقَ الْجَانَّ مِنْ مَّارِجٍ مِّن نَّارٍ . فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ . رَبُّ الْمَشْرِقَيْنِ وَرَبُّ الْمَغْرِبَيْنِ . فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ . مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ يَلْتَقِيَانِ . بَيْنَهُمَا بَرْزَخٌ لَا يَبْغِيَانِ . فَبِأَيِّ آلَاءِ

رَبِّكُمَْا تُكْذِبَانِ . يَخْرُجُ مِنْهُمَا اللَّوْلُؤُ وَالْمَرْجَانُ . فَبِأَيِّ آلاءِ رَبِّكُمَْا

تُكْذِبَانِ . وَلَهُ الْجَوَارِ الْمُنشَآتُ فِي الْبَحْرِ كَالْأَعْلَامِ . فَبِأَيِّ آلاءِ رَبِّكُمَْا

تُكْذِبَانِ ﴿

«Меҳрибон (Аллоҳ пайғамбарга ва унинг умматларига) Қуръонни таълим берди. У зот инсонни яратиб, унга (дидадаги мақсадини аён эта олиши учун) баённи (нутқни) таълим берди. Қуёш ҳам, ой ҳам (аниқ) ҳисоб-ўлчов билан (жорий бўлур). Ўт-ўлан ҳам, дов-дарахт ҳам (ёлғиз Аллоҳга) сажда қилур — бўйинсунур. У зот осмонни баланд қилиб қўйди ва сизлар тоштарозида туғёнга тушмасликларингиз (яъни ўзгаларга зулм қилмасликларингиз) учун мезонтарозини ўрнатди. (Эй инсонлар, ўзаро олди-берди муомалаларингизда) тўғри, адолат билан тортинглар ва тарозидан уриб қолманглар! Ерни У зот (жамийки) жонзотлар учун (яъни улар жойлашиб, фойдаланишлари учун) паст-текис қилиб қўйди. Унда (турли-туман) мева-чева ва гулкосали хурмо дарахтлари бор. Яна сомонли дондун ва хушбўй (гуллар) бор. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея (яъни инкор қила) олурсизлар?! У зот инсонни (яъни Одам алайҳис-саломни) сопол каби қуриган қора лойдан яратди. Жин-Иблисни эса аланга — оловдан яратди. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! (Аллоҳ) икки шарқнинг (яъни кун ва ой чиқадиган жойларнинг) ва

икки ғарбнинг (яъни кун ва ой ботадиган жойларнинг) ҳам Парвардигоридир. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! У зот икки денгиздарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида (ёнма-ён) оқизиб қўйди. (Аммо) у иккисининг ўрталарида бир тўсиқ бўлиб, улар (ўша тўсиқдан) ошиб ўтмаслар.

Изоҳ. Маълумки, денгиз қаъри ҳам, дарё туби ҳам сув бемалол сизиб ўта оладиган қумлоқ ёки тупроқдир. Кўп ҳолларда шўр сувли денгиз билан чучук сувли дарё ёки кўл шундоқ ёнма-ён жойлашиб ҳам қолади. Лекин Аллоҳ таолонинг кудрати билан улардан бирининг шўри иккинчисига уриб кетмайди.

Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! У иккисидан (бири бўлмиш денгиздан) марварид ва маржонлар чиқур. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! Денгиздаги тоғлар каби баланд кўтарилган қатновчилар (яъни елканли кемалар) ҳам ёлғиз У зотникидир. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?!» (Раҳмон: 1 - 25 );

﴿ أَلَمْ نَجْعَلِ الْأَرْضَ مِهَادًا . وَالْجِبَالَ أَوْتَادًا . وَخَلَقْنَاكُمْ أَزْوَاجًا . وَجَعَلْنَا نَوْمَكُمْ سُبَاتًا . وَجَعَلْنَا اللَّيْلَ لِبَاسًا . وَجَعَلْنَا النَّهَارَ مَعَاشًا .

وَبَيْنَنَا فَوْقَكُمْ سَبْعًا شِدَادًا . وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَاجًا . وَأَنْزَلْنَا مِنَ  
 الْمُعْصِرَاتِ مَاءً ثَجَّاجًا . لِنُخْرِجَ بِهِ حَبًّا وَنَبَاتًا . وَجَنَّاتٍ أَلْفَافًا ﴿۹﴾

«Биз Ерни (барча жонзотлар маскан тутиб яшашлари учун) бир тўшак, тоғларни эса (ўша Ерни тутиб тургувчи) қозиклар қилиб қўймадик-ми?! Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. 9. Уйқуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) ором қилдик.

Изоҳ. Дарҳақиқат, уйқу Аллоҳ таолонинг энг улуг неъматларидан биридир. Зеро, дунёдаги барча жонзот мубтало бўлган толиқиш, чарчаш деган бир дард борки, бу дарднинг уйқудан бўлак дармони йўқдир. Эҳтимол уйқусизлик дардига йўлиққан кишини бирон дори воситасида ухлатиш мумкиндир, лекин мана шу уйқуни яна бадтар чарчатадиган меҳнат эмас, балки ором-роҳат қилиш Яратгандан ўзганинг қўлидан келмас.

**Кечани** (ўз коронғуси билан барча нарсани яшириб турадиган) **либос қилдик**. **Кундузни эса тирикчилик** (учун белгиланган вақт) **қилдик**. **Устларингизда етти** (қабат) **пишиқ-мустаҳкам** (осмонни) **бино қилдик**. **Ва доимо чарақлаб тургувчи чирокни** (яъни куёшни пайдо) **қилдик**. **Яна Биз ўзидан ёмғирни сиқиб чиқаргувчи** (булут)лардан — **ўша** (ёмғир) **ёрдамида дон ва набототни ҳамда** (қалинлигидан дарахтлари) **бир-бирига чирмашиб кетган боғларни ундириб чиқариш учун** — **мўл-қўл сув-ёмғир ёғдирдик»** (Набаъ: 6 - 16);

﴿أَأَنْتُمْ أَشَدُّ خَلْقاً أَمْ السَّمَاءُ بَنَاهَا . رَفَعَ سَمَكَهَا فَسَوَّاهَا . وَأَغْطَشَ لَيْلَهَا وَأَخْرَجَ ضُحَاهَا . وَالْأَرْضَ بَعْدَ ذَلِكَ دَحَاهَا . أَخْرَجَ مِنْهَا مَاءَهَا وَمَرْعَاهَا . وَالْجِبَالَ أَرْسَاهَا . مَتَاعاً لَكُمْ وَلِأَنْعَامِكُمْ﴾

«(Эй мушриклар), сизларни яратиш қийинроқми ёки осмонними?! (Яъни бутун Ер куррасининг атрофини ўзга сайёралардан бирон зиён етмаслиги учун том — осмон билан қоплаб қўйишга қодир бўлган зот учун сизларни яратиш ёки қайта тирилтириш ҳеч гап эмас-ку!) (Аллох) уни бино қилди. Шифтини баланд қилиб, тиклади. Ва У ўша (осмон)нинг тунини қоронғу қилиб, (ундан) кундузини чиқарди. Ва шундан кейин Ерни ёйиб-текис қилди. Ундан суви-ю, ўтлоқларини чиқарди. Ва у (Ер)га тоғларни ўрнаштирди. (Буларнинг барчаси) сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб (қилингандир)» (Назиъат: 27 - 33);

﴿فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ إِلَى طَعَامِهِ . أَنَا صَبَبْنَا الْمَاءَ صَبّاً . ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقّاً . فَأَنْبَتْنَا فِيهَا حَبّاً . وَعَبَبْنَا وَقَضْباً . وَرَزَقْنَاهَا نَخْلاً . وَحَدائقَ غُلْباً . وَفَاكِهَةً وَأَبّاً . مَتَاعاً لَكُمْ وَلِأَنْعَامِكُمْ﴾

«Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан бир) қараб кўрсинчи! Биз (осмондан) сув-ёмғирни қуйдирдик. Сўнгра Ерни (ғиёҳлар билан) ёрдик. Сўнг Биз унда дон-дунни, узум ва кўкларни, зайтун ва хурмоларни, қуюқ дарахтзор боғларни, мева-

чева-ю, ўт-ўланларни сизлар учун ва чорва хайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб ундириб-ўстириб қўйдик-ку!» (Абаса: 24 - 32).

Бутун башарият ҳатто араб мушриклари ҳам Аллоҳ таолонинг рубубиятига Яратгувчи-Холиқ, Эгадор-Молик ва Тадбирловчи-Мудаббир ўларок боғлангандирлар. Аллоҳ таоло Куръони Каримнинг талайгина жойида араб мушрикларининг ушбу эътирофини ҳикоя қилган:

﴿ قُلْ لِمَنِ الْأَرْضُ وَمَنْ فِيهَا إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ . سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ . قُلْ مَنْ رَبُّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ . سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ . قُلْ مَنْ بِيَدِهِ مَلَكُوتُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ يُجِيرُ وَلَا يُجَارُ عَلَيْهِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ . سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ فَأَنَّى تُسْحَرُونَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Агар билгувчи бўлсанглар (айтинглар-чи), бу ер ва ундаги бор жонзот кимники?» Улар: «Аллоҳникидир», дерлар. Айтинг: «Бас (шундан) ибрат-эслатма олмайсизларми?!» Айтинг: «Етти осмоннинг ҳожаси ва улуғ аршнинг соҳиби кимдир?». Улар: «(Буларнинг барчаси) Аллоҳникидир», дерлар. Айтинг: «Ахир қўрқмайсизларми?!». Айтинг: «Агар билсанглар (айтинглар-чи), "Барча нарсанинг подшоҳлиги қўлида бўлган, Ўзи (барчага) Ҳомийлик қиладиган, Унга қарши биров ҳомийлик қила олмайдиган зот кимдир?». Улар: «Бундай подшоҳлик ва ҳомийлик ёлғиз

**Аллоҳникидир», дерлар. Айтинг: «Бас қандай алданмоқдадирсизлар?!»» (Мўминун: 84 - 89);**

﴿وَلَيْن سَأَلْتَهُمْ مِّنْ خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَيَقُولُنَّ خَلَقَهُنَّ الْعَزِيزُ

﴿الْعَلِيمُ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қасамки, агар сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» деб сўрасангиз, албатта: «Уларни қудратли ва доно (Аллоҳ) яратган», дерлар. (Аммо ўзлари ҳеч нарса ярата олмайдиган бут ва санамларни У зотга шерик қилиб, уларга сиғинурлар)» (Зухруф: 9).

Бу бобда айрим тоифалар томонидан жузъий залолатлар содир бўлиб, улар рубубиятда Аллоҳга шерик қилдилар. Масалан:

### **1 — Мажусий дуалистлар ва манихеистлар.**

Улар: «Оламнинг иккита тангриси бўлиб, улардан бири эзгуликларни яратган Нур илоҳи, иккинчиси эса ёмонликларни яратган Зулмат илоҳидир», дея эътиқод қиладилар. Улар нурнинг зулматдан кўра яхшироқ эканига иқрор бўлсаларда, зулматнинг қадим ёки ходис – янги пайдо бўлгани ҳақида ўзаро фикр айрилиғига борганлар.

### **2 — Насроний (христиан)лар.**

Насронийлар учлик эътиқодига ишониб, битта тангрининг учта хусусияти: Ота, Ўғил ва Муқаддас рух борлиғига иқрор бўладилар.

**3 — Араблар орасидан чиққан айрим мушриклар.**

Улар ўз тангриларининг фойда ва зарар бериш ҳамда ишларни бошқариш каби хусусиятлари борлигига ишонишган.

#### 4 — Тақдирни инкор этган қадарийлар.

Улар: «Банда ўз ишларини Аллоҳ таолодан мустақил ўлароқ ўзи яратади», деб тушунадилар.

Бу залолатларнинг барчаси, Робб таолонинг яратиши, эгадорлиги ва буйруқ беришида якто эканига фитрат, ақл, ҳис қилиш ва шариат далолатлари билан рад қилингандир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ مَا اتَّخَذَ اللَّهُ مِنْ وَلَدٍ وَمَا كَانَ مَعَهُ مِنْ إِلَهٍ إِذَا لَذَّهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ  
وَلَعَلَّا بَغْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُصِفُونَ ﴾

«Аллоҳнинг боласи йўқдир ва У зот билан бирга бирон илоҳ бўлган эмасдир. Акс ҳолда албатта ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан кетиб, бир-бирларидан устун бўлиб олур эдилар, (яъни ҳар бир «илоҳ» ўз ҳукмини ўтказмоқни истаб, натижада еру осмон бузилиб кетган бўлур эди). Аллоҳ улар айтаётган шериклардан покдир» (Мўминун: 91).

Ҳақиқий илоҳ яратувчи, хоҳлаган нарсасини қилувчи бўлиши керак. Агар унинг шериги бўлса, у ҳам яратиши ва қилиши керак бўлади! Бундай вазиятда ҳолат иккитадан биттаси бўлади:

Ё ҳар икки илоҳ ҳам ўз яратган махлуқи билан бирга бўлиб, ўз салтанати билан мустақил бўлади. Бу эҳтимолни коинот низоми инкор этади.

Ёки ҳар икки илоҳ ўртасида устунлик ва ғолиблик учун кураш бошланади. Улардан бири бирон жисмни ҳаракатлантirmoқчи бўлса, иккинчиси уни ҳаракатлантirmаслик учун интилади. Ёки бирови бирон нарсага жон ато этmoқчи бўлса, иккинчиси уни ўлдиришни хоҳлайди. Бундай вазиятда ё уларнинг ҳар иккисининг мақсади ёки фақат биттасининг мақсади амалга ошиши ва иккинчисининг мақсади рўёбга асло чиқмаслиги керак бўлади. Биринчи ва учинчи фаразнинг амалга ошиши мумкин эмас, чунки, улар бирлаша олмайдиган ва юксала олмайдиган даражада бир-бирига зиддир. Иккинчи фараз мантиқлидир: кимнинг муроди амалга ошса ўша Қудратли илоҳдир ва иккинчиси илоҳликка лойиқ эмасдир. Натижада, иш ягона Робб, ягона Холиқ ва ягона Бошқарувчига қолади.

### **Учинчи: Аллоҳнинг илоҳлигига иймон келтириш**

Аллоҳнинг илоҳлигига иймон келтириш — Аллоҳ таолонинг бошқаларсиз якто ўзигина ибодат қилинишга лойиқ ҳақ ИЛОҲ эканига қатъий эътиқод қилиш, демакдир.

«Илоҳ» сўзи «қалблар муҳаббат ва улуғлаш билан ибодат қилишадиган «маъбуд», маъносини англатади. Ибодатнинг ҳақиқати эса, «хокисорлик, итоат ва улуғлаш билан камоли муҳаббат қўйиш»дир. Бу эса Якто Илоҳ учунгина жоиздир. Бу иймон билан бирга энг буюк Гувоҳ (Аллоҳ) тарафидан энг катта гувоҳлик берилган ўринда муаззам гувоҳлик баён қилинди:

﴿ شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, ҳикмат эгасидир» (Оли Имрон: 18);

﴿ وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴾

«Илоҳингиз ягона илоҳдир. Меҳрибон ва раҳмли бўлмиш Ундан ўзга ибодатга сазовор ҳеч қандай илоҳ йўқдир» (Бақара: 163).

Аллоҳ таоло камоли беҳожатлик билан бутун махлуқотлари, жумладан, инсонунинг жинларни Ўзигагина ибодат қилишлари учун яратди ва шундай деди:

﴿ وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ. مَا أُرِيدُ مِنْهُمْ مِنْ رِزْقٍ وَمَا أُرِيدُ أَنْ يُطْعَمُونِ ﴾

«Мен жин ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини истамасман» (Зориёт: 56, 57).

Аллоҳ таоло бутун пайғамбарларини шу иймонни амалга ошириш ва ибодат билан Аллоҳ таолонигина

яктолашга ва Аллоҳ таолога шерик қилишдан воз кечишга чорлаш учун юборди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولًا أَنْ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوتَ﴾

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз» (Наҳл: 36).

Пайғамбарлар қавмларига қилган хитобларини ушбу жумлалар билан бошладилар:

﴿يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ﴾

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинги! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир» (Аъроф: 59, 65, 73, 85).

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا﴾

﴿فَاعْبُدُونِ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Менгина бордирман, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб ваҳий юборгандирмиз» (Анбиё: 25).

Ушбу иймонни рўёбга чиқариш ибодатнинг барча турларини Аллоҳ таолога йўналтиришни тақозо этади. Шу ибодатлардан биронтасини Аллоҳдан бошқасига

йўналтирган одам ҳам мушрик, ҳам кофир бўлади.  
Ибодатлар турличадир:

### 1 — Қалб ибодатлари:

Масалан:

#### — Муҳаббат қўйиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَنْ النَّاسِ مَنْ يَتَّخِذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَنْدَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ

﴿ آمَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ ﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир» (Бақара: 165).

#### — Қўрқув.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُوا اللَّهَ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴾

«Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, мендан қўрқингиз!» (Оли Имрон: 175).

#### — Умид қилиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿فَمَنْ كَانَ يَرْجُو لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ  
أَحَدًا﴾

«Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)» (Каҳф: 110).

— Таваккул.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَعَلَى اللَّهِ فَتَوَكَّلُوا إِن كُنتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«Агар мўмин бўлсангизлар, ёлғиз Аллоҳгагина суянинглар!» (Моид: 23).

Қалбларнинг салоҳияти, ҳадисда келганидек, тана салоҳиятининг асосидир: «Огоҳ бўлингизким, жасадда бир парча гўшт бўлиб, у тузалса бутун жасад тузалади, у бузилса бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлингизким, у — юрак-қалбдир» (Муттафақун алайҳ).

## 2 — Талаффуз қилинадиган ибодатлар:

Масалан:

— Дуо.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَأَنَّ الْمَسَاجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا﴾

«Албатта (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!» (Жин: 18).

— Паноҳ сўраш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴾

«Мен тонг Парвардигоридан ... илтижо қилиб паноҳ сўрайман» (Фалақ: 1).

﴿ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴾

«Мен одамлар Парвардигоридан ... илтижо қилиб паноҳ сўрайман» (Нос: 1).

— Мадад сўраш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِذْ تَسْتَغِيثُونَ رَبَّكُمْ فَاسْتَجَابَ لَكُمْ ﴾

«Ўшанда Парвардигорингиздан мадад тилаганингизда, У сизларга ижобат қилди» (Анфол: 9).

3 — Бадан ибодатлари:

Масалан:

— Намоз ўқиш ва қурбонлик бўғизлаш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам): «Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир» (Анъом: 162);

﴿ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحِزْ ﴾

«Бас, сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва (жонлик) сўйиб-қурбонлик қилинг!» (Кавсар: 2).

#### 4 — Молиявий ибодатлар:

Масалан:

— Закоат, садақа, васият, вақф ва ҳиба каби ибодатга асосланган нафақалар.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمِنَ الْأَعْرَابِ مَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَيَتَّخِذُ مَا يُنْفِقُ قُرْبَاتٍ

عِنْدَ اللَّهِ وَصَلَوَاتِ الرَّسُولِ أَلَا إِنَّهَا قُرْبَةٌ لَهُمْ سَيُدْخِلُهُمُ اللَّهُ فِي رَحْمَتِهِ

إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴾

«Аъробийлар орасида Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган ва қиладиган инфоқ-эҳсонини Аллоҳ даргоҳида қурбат (яқинлик) ҳосил қилиш ва пайғамбар дуосига (мушарраф бўлиш) деб биладиган зотлар ҳам бор. Огоҳ бўлсинларким, ўша инфоқ-эҳсонлари ўзлари учун қурбатдир.

Аллоҳ уларни Ўз раҳматига доҳил қилажак. Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (Тавба: 99).

— Таомлантириш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَيُطْعَمُونَ الطَّعَامَ عَلَىٰ حُبِّهِ مِسْكِينًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا. إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِرُؤْفَةِ اللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً وَلَا شُكُورًا﴾

«Ва таомни суюб-хоҳлаб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва есирларни таомлантирурлар. (Улар айтурлар): «Биз сизларни ёлғиз Аллоҳнинг юзидан таомлантирурмиз. Сизлардан (бу ишимиз учун) бирон мукофот ва миннатдорчилик истамасмиз — кутмасмиз» (Инсон: 8, 9).

Аллоҳ таолонинг илоҳ эканига иймон келтириш, Аллоҳнинг рубубиятига иймон келтиришнинг тақозоси ва уни лозим тутган нарсалардан биридир. Аллоҳнинг Холиқ, Эгадор ва Тадбирловчи эканига иймон келтирган одамнинг Аллоҳнинг илоҳлигига иймон келтириб, ибодатда Аллоҳни яқтолаши фарздир. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг талайгина ерида Ўзининг рубубиятига иқроқ бўлган мушриклар заиёнига ҳужжатни барпо қилган. Шулардан:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ . الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ

مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٢﴾

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво эгалари бўлишингиз учун яратган Парвардигорингизга ибодат қилингиз. У зот сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, деб мевалар чиқарди. Бас билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг» (Бақара: 21, 22);

﴿قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمْنَ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَمِيتِ وَيُخْرِجُ الْمَمِيتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدْبِرُ الْأَمْرَ فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ . فَذَلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمُ الْحَقُّ فَمَاذَا بَعَدَ الْحَقِّ إِلَّا الضَّلَالُ فَأَنَّى تُصْرَفُونَ ﴿٢٢﴾﴾

«(Эй Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам) айтинг: «Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур ёки ким қулоқ-кўзларингизга эгалик қилур?! Ким ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ҳамда ким барча ишларни тадбир қилиб турур?!» Улар албатта: «Аллоҳ», дейдилар. Бас, сиз айтинг: «Ахир Ўша зотдан қўркмай-сизларми?!» Бас, мана шу Аллоҳ — ҳақиқий Парвардигорингиздир. Ҳақиқатдан кейин эса фақатгина йўлдан озиш бор, холос (яъни, ҳақиқий Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳдан ўзгага сиғинар

экансиз, албатта йўлдан озган бўлурсиз). **Бас, қай тарафга бурилиб кетмоқдасиз-лар?!»** (Юнус: 31, 32);

﴿ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ وَسَلَامٌ عَلَىٰ عِبَادِهِ الَّذِينَ اصْطَفَىٰ ۗ اللَّهُ خَيْرٌ مَّا يُشْرِكُونَ . أَمَّنْ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ لَكُمْ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَنْبَتْنَا بِهِ حَدَائِقَ ذَاتَ بَهْجَةٍ مَّا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُنبِتُوا شَجَرَهَا ۗ أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَعْلَمَ بِقَوْمٍ يُعَدِّلُونَ . أَمَّنْ جَعَلَ الْأَرْضَ قَرَارًا وَجَعَلَ خِلَالَهَا أَنْهَارًا وَجَعَلَ لَهَا رَوَاسِي وَجَعَلَ بَيْنَ الْبَحْرَيْنِ حَاجِزًا ۗ أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَكْثَرُ هُمْ لَا يَعْلَمُونَ . أَمَّنْ يُجِيبُ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَاءَ الْأَرْضِ ۗ أَلَيْسَ اللَّهُ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ . أَمَّنْ يَهْدِيكُمْ فِي ظُلُمَاتِ الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَمَنْ يُزِيلُ الرِّيحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ ۗ أَلَيْسَ اللَّهُ تَعَالَى اللَّهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ . أَمَّنْ يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَمَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ۗ أَلَيْسَ اللَّهُ قُلُّ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴾

«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам,) айтинг: «Аллоҳга ҳамду-сано бўлсин ва Унинг Ўзи (пайғамбарлик учун) танлаган бандаларига дуою-салом бўлсин». Аллоҳ яхшироқми ёки улар (Макка мушриклари Аллоҳга) шерик қилаётган бутлари-ми?!

Ёки осмонлар ва Ерни яратган ҳамда сизлар учун осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида

гўзал боғларни ўстирган зотми?! Сизлар учун у (боғларнинг) дов-дарахтини ўстириш имкони йўқ эди. Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, улар (Аллоҳга ўзгаларни) тенг биладиган қавмдирлар!

Ёки Ерни (барча жонзотлар учун) қароргоҳ қилиб, унинг ўртасида дарёлар пайдо қилган ва унинг учун тутқи-тоғлар барпо қилган ҳамда икки (яъни шўр-чучук) денгиз-дарё ўртасида тўсиқ-тўғон иншо қилган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар!

Ёки музтар инсон дуо қилганида ижобат қиладиган, ёмонликларни кушойиш қиладиган ва сизларни Ер халифаси қиладиган ким?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар!

Ёки сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида тўғри йўлни кўрсатадиган ва Ўз раҳмати-ёмғири олдидан шамолларни хушхабар қилиб жўнатадиган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Аллоҳ уларнинг ширк келтирган нарсаларидан юксакдир!

Ёки бошлаб Ўзи яратиб, сўнгра (охиратда) қайта яратадиган зотми?! Ким сизларга осмон ва заминдан ризқу-рўз берур? Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кофирларга) айтинг: «Агар рост-гўй бўлсангизлар ҳужжатларингизни келтирингиз!»» (Намл: 59 - 64).

Аллоҳ таоло улуҳият тавҳидига, мушрикларнинг рубубият тавҳидига иқрор бўлишларини ҳужжат қилди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло мушриклар тангриларнинг илоҳлигини рубубият сифатларидан биронтаси билан сифатланмаганликлари учун бекор қилди ва деди:

﴿ أَيُشْرِكُونَ مَا لَا يَخْلُقُ شَيْئاً وَهُمْ يُخْلَقُونَ . وَلَا يَسْتَطِيعُونَ لَهُمْ نَصراً  
وَلَا أَنْفُسَهُمْ يَنْصُرُونَ . وَإِنْ تَدْعُوهُمْ إِلَى الْهُدَى لَا يَتَّبِعُوكُمْ سِوَاء  
عَلَيْكُمْ أَدْعَاؤُهُمْ أَمْ أَنْتُمْ صَامِتُونَ . إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ  
عِبَادٌ أَمْثَالُكُمْ فَادْعُوهُمْ فَلْيَسْتَجِيبُوا لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ . أَلَهُمْ أَرْجُلٌ  
يَمْشُونَ بِهَا أَمْ لَهُمْ أَيْدٍ يَبْطِشُونَ بِهَا أَمْ لَهُمْ أَعْيُنٌ يُبْصِرُونَ بِهَا أَمْ لَهُمْ  
آذَانٌ يَسْمَعُونَ بِهَا قُلِ ادْعُوا شُرَكَاءَكُمْ ثُمَّ كِيدُوا فَلَا تُنظِرُونَ . إِنَّ وَلِيَّيَ  
اللَّهِ الَّذِي نَزَّلَ الْكِتَابَ وَهُوَ يَتَوَلَّى الصَّالِحِينَ . وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ  
لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَكُمْ وَلَا أَنْفُسَهُمْ يَنْصُرُونَ . وَإِنْ تَدْعُوهُمْ إِلَى الْهُدَى  
لَا يَسْمَعُوا وَتَرَاهُمْ يَنْظُرُونَ إِلَيْكَ وَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ ﴾

«Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, балки ўзи яратилувчи бўлган нарсаларни (Аллоҳга) шерик қиладиларми?! Улар учун бирон ёрдам қилишга қодир бўлмайдиган, ҳатто ўзига ўзи ёрдам қила олмайдиган (нарсаларни Аллоҳга шерик қиладиларми?!). Агар уларни (яъни бутларни) хидоятга чақир-

сангиз, сизларга эргашмайдилар (яъни улар жонсиз-дирлар). Сизлар учун уларни чақиришингиз ёки сукут қилиб туришингиз баробардир (яъни барибир улар жавоб бера олмайдилар). Шубҳасиз, Аллоҳдан ўзга: сизлар илтижо қилаётган нарсалар худди (сизнинг) ўзларингиз каби бандадирлар. Бас, агар ростгўй бўлсангизлар, сизлар уларни чақиринглар, улар сизларга жавоб қилсинлар-чи?! Уларнинг оёқлари бормики, юрсалар, ё кўллари бормики тутсалар, ёки кўзлари бормики кўрсалар, ёхуд кулоқлари бормики тингласалар?! Айтинг (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ўша бутларингизни чақиринглар-да, сўнгра менга бир лаҳза муҳлат бермай бор хийла-найрангингизни қилаверинглар». (Қандай хунар кўрсатманг, натижаси ҳечдир). Зотан, менинг эгам шу Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ бандаларга ёр бўлур. Ундан ўзга сизлар илтижо қилаётган нарсалар сизларга ёрдам қилишга қодир эмаслар ва улар ўзларига ҳам ёрдам қила олмаслар. Агар уларни ҳидоятга чорласангиз, эшитмайдилар. Улар ўзлари кўрмаган ҳолларида сизга (боқиб) турганларини кўрурсиз» (Аъроф: 191 - 198);

﴿وَاتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ آلِهَةً لَا يَخْلُقُونَ شَيْئاً وَهُمْ يُخْلَقُونَ وَلَا يَمْلِكُونَ

لِأَنْفُسِهِمْ ضَرّاً وَلَا نَفْعاً وَلَا يَمْلِكُونَ مَوْتاً وَلَا حَيَاةً وَلَا نُشُوراً﴾

«(Мушриқлар) эса У зотни қўйиб, бирон нарса ярата олмайдиган, (балки) ўзлари яралгувчи бўлган, (ўзгалар у ёқда турсин, ҳатто) ўзларига ҳам бирон зиён ё фойда эга бўлмайдиган ва на

(бировларга) ўлим беришга, на ҳаёт беришга ва на қайта тирилтиришга эга бўлмайдиган «худолар»ни ушладилар (яъни ўшаларга сиғиндилар)» (Фурқон: 3);

﴿ قُلِ ادْعُوا الَّذِينَ زَعَمْتُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِي السَّمَاوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَمَا لَهُمْ فِيهَا مِن شَرْكٍَ وَمَا لَهُ مِنْهُمْ مِّن ظَهِيرٍ . وَلَا تَنْفَعُ الشَّفَاعَةُ عِنْدَهُ إِلَّا لِمَنْ أَذِنَ لَهُ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳдан ўзга (илоҳлар) деб гумон қилган бутларингизга дуо-илтижо қилаверинглар-чи, (улар сизларга ижобат қила олармиканлар)! Улар на осмонларда ва на ерда бир зарра вазнича (нарс)га эга эмасдирлар ва улар учун (осмонлар ва ерда Аллоҳга) шериклик ҳам йўқдир ҳамда (Аллоҳ) учун улардан бирон ёрдамчи ҳам йўқдир. (Аллоҳ) ҳузурида фақат Унинг Ўзи изн берган кишиларгагина шафоат-оқлов фойда берур (яъни ана ўша зотларгина шафоатга эришурлар, ё ўзгаларни шафоат қила олурлар)» (Сабаъ: 22, 23).

Шу боис, Аллоҳга қилинаётган ибодатда (бошқаларни) шерик қилиш — катта гуноҳларнинг энг каттаси ва муаззамидир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ ﴾

«Чунки ширк келтириш катта зулмдир» (Луқмон: 13).

Соғломлиги ҳақида муҳаддислар тарафидан иттифоқ қилинган ҳадисда шундай дейилган: (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар): «Сизларга катта гуноҳларнинг энг каттароғидан хабар берайми?». (Саҳобалар): Ҳа, ё Расулуллоҳ!, — дедилар. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳга шерик қилиш!» — дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: Қайси гуноҳ каттароқдир?, — дея савол берилганида: «Сизни яратган бўлсаю, сизнинг Аллоҳга тенгдош қилишингиз!» — деб жавоб бердилар (Муттафақун алайх).

Аллоҳ таоло оқибати ёмон бўлгани учун ширкка дунёвий ва ухровий ҳукмларни қўйди. Шулардан:

### 1 — Мағфират қилмаслик.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ

بِاللَّهِ فَقَدْ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди» (Нисо: 48).

2 — Жаннатни ҳаром қилиш ва жаҳаннамда мангу қолиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴾

«Албатта кимда-ким Аллохга ширк келтирса, Аллох унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилгувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас» (Моида: 72).

### 3 — Бутун амалларнинг бекор бўлиши.

Аллох таоло айтди:

﴿ وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴾

«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурсан!» (Зумар: 65).

### 4 — Мулк ва қоннинг ҳалол бўлиши.

Аллох таоло айтди:

﴿ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ وَأَخْضِرُوا لَهُمْ كُلَّ مَرْصَدٍ فَإِنْ تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ فَخَلُّوا سَبِيلَهُمْ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴾

«Бас, қачон уруш ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдилингиз, (асир) олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни кузатиб тулингиз! Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўқис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз! (Яъни улар билан урушишни бас қилингиз). **Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир**» (Тавба: 5).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Менга одамларга қарши «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) дея эътироф этмагунларича урушишга амр қилинди. Агар уни тилга олсалар Мендан қонлари ва мол-мулкларини ўз ҳаққи билан сақлаб қоладилар» (Муттафақун алайҳ).

Бу мавзуда башарият ичидан чиққан айрим тоифалар адашдилар. Улардан баъзилари қуйидагилардир:

1 — Маъбудалари ёғочдан, тошдан, одамдан, жиндан, фаришталардан, ҳайвонлардан ва шайтон адаштирган бошқа турли нарсалардан бўлган **бутпарастлар**.

2 — Қабрда ётган мурдалардан тилак — фойдаларни келтириб, зарарларни даф қилишларини сўрашаётган, мурдаларга турли назру қурбонликлар тақдим этаётган **қабрпарастлар**.

3 — Жинларга берган хабарлари ёки ҳозир бўлишлари ёхуд тайёрлаб бераётган нарсалари эвазига жинларга ибодат қилишаётган **фолбинлар, азойимхонлар ва сеҳргарлар**.

Ширкнинг ибодатдаги катта хатари бўлгани сабабли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ширкка олиб борадиган омиллардан огоҳлантириб, уни содир қиладиган йўллари тўсдилар. Буларнинг мисолларидан баъзилари қуйидагилардир:

**1 — Солиҳ инсонларни ардоқлашда ғулув кетиш – меъёрдан ошиш.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Меъёрдан ошиш – ғулувдан йироқ турингиз! Чунки сизлардан илгари (яшаб ўтган)ларни ғулув ҳалок қилган!» (Имом Аҳмад, Термизий ва Ибн Можа ривоятлари);

«Мени насронийлар (Ийсо) Ибн Марямни ардоқлаганларидек ардоқламанглар! Мен (ҳам) қулман! Бас, «Аллоҳнинг қули ва элчиси!» денглар!» (Имом Бухорий ривояти).

Таъқиқланган тавассул-воситачи қилиб олиш, солиҳ инсонларни ардоқлашда меъёрдан ошишнинг бир туридир.

**Таъқиқланган тавассул икки турлидир:**

**Биринчиси:** Ислом миллатидан чиқарадиган ширк тавассул.

У — ҳожатларни чиқариш ва мусибатларни кушо-йиш қилиш учун воситачиларга дуою илтижо қилиш.

**Иккинчиси:** Бидъат тавассул.

У — Аллоҳ таолога Аллоҳ таоло машруъ қилмаган йўллар билан, масалан, солиҳ инсонларни ёки

уларнинг обрўларини ёхуд ҳақларини ёда ҳурматлари ва бошқа нарсаларни восита қилиш.

Машруъ ҳисобланган тавассул эса, Аллоҳ таолога бўлган иймон ёки Аллоҳнинг исмлари ёхуд сифатлари ёда қилинган солиҳ амал ёки солиҳ одамлардан талаб қилинган дуолар билан бўлади. Чунончи, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу шундай деган эди: «**Аллоҳим, бошимизга қаҳатчилик келган вақтда пайғамбарингни Сенга восита қилар ва Сен ёмғир ёғдирар эдинг. (Бугун эса) Сенга пайғамбарингнинг амакисини восита қилаяпмиз, бизга ёмғир ёғдир!**» (Имом Бухорий ривояти).

## **2 — Қабрлар билан фитналанишдан огоҳлантириш.**

Бунинг айрим кўринишлари қуйидагилардир:

### **— Қабрларни масжид қилиб олиш.**

Оиша разияллоҳу анҳо айтди: «Ваҳий нозил бўлаётган пайтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзларига газмол ташлаб олар, ваҳий тугагач уни олиб ташлар эдилар. У зот шундай ҳолатда: «Пайғамбарларининг мозорларини саждагоҳ қилиб олган яҳудий ва насронийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» — деб, уларнинг қилмишларидан (умматларини) огоҳлантирдилар. Агар шундай бўлмаганда (яъни, у зотнинг қабрлари масжид қилиниб олиншидан кўрқилмаганида) эди у зотнинг қабрлари (уй ичида эмас, ҳамма кўроладиган) очикликда қолдирилар эди. Бироқ уни масжид қилиб олиншидан кўрқдилар(-да очикликда қолдирилишига изн бермадилар)» (Муттафакун алайҳ).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Огоҳ бўлингларким, сизлардан аввал яшаб ўтганлар пайғамбарларининг қабрларини саждагоҳ қилиб олишган эди. Огоҳ бўлингларким, қабрларни саждагоҳ қилиб олманглар! Мен сизларга ундай қилишни таъқиқлайман!» (Имом Муслим ривояти).

Қабрларни саждагоҳ қилиб олишнинг маъноси: устларига масжид қурилмаган бўлсада, қабрлар олдида намоз ўқиш, демакдир. Чунки масжид, саждагоҳдир.

**— Қабрлар устига дахмалар қуриш, ўз тупрогидан ортиқча тупроқлар тортиш, бетон қуйиш**

Абу Ҳайёж Асадий раҳимахуллоҳ шундай ривоят қилди: Менга Алий ибн Абу Толиб разияллоҳу анху шундай дедилар: «Мен сизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени қилишим учун юборган ишга жўнатайми: Биронта расмни қўймай ўчирасиз, биронта баланд қабрни қўймай (ер билан) текис қиласиз?» (Имом Муслим ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анху ривоят қилди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр устини гипслаш, устига ўтириш ва дахма қуришни таъқиқладилар (Имом Муслим ривояти).

Қабрлар устига панжара ва гумбазлар қуриш, уларни турли нарсалар билан зийнатлаш ҳам мазкур ҳукмлар остига киради.

**— Қабр (мозор)лар зиёратига савоб умидида отланиш.**

Бу, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисларининг умумий маънолари ичига киради: «Фақатгина уч масжид — Масжидул Ҳаром, менинг ушбу масжидим ва Ақсо масжиди учунгина сафар тайёргарлиги қилинади» (Муттафақун алайҳ).

### — Қабр (мозор)ларни байрамгоҳга айлантириш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мозоримни байрамгоҳ қилиб олманглар!» (Абу Довуд ривояти).

Байрамгоҳ — муайян замон ва маконларда келиш ва қасд қилишга одат қилинган жойдир.

### 3 — Мушрик ва китоб аҳлларига уларнинг эътиқодлари ва урф-одатларига менгзашни таъқиқлаш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Мушрикларга (ҳар ишда) муҳолиф бўлингиз!» (Муттафақун алайҳ);

«Мажусийларга (ҳар ишда) муҳолиф бўлингиз!» (Имом Муслим ривояти);

«Яҳудийларга (ҳар ишда) муҳолиф бўлингиз!» (Абу Довуд ривояти).

### 4 — Расм чизишни таъқиқлаш.

Оиша разияллоҳу анҳо айтди: Умму Салама разияллоҳу анҳо Ҳабашистонда кўрган черков ва ундаги расмларни гапириб берди. Уни тинглаган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай

дедилар: «Улар ичларидан биронта солиҳ вафот этса қабрлари устига саждагоҳ қуришар ва унга ўша расмларни чизишар эди. Ўшалар — Аллоҳнинг даргоҳида махлуқотларнинг энг бахтиқароларидир» (Муттафакун алайх).

### **5 — Ширкни ифодалаган сўзларни талаффуз қилишни таъқиқлаш.**

Бунинг намуналари:

— **Аллоҳдан бошқасининг номи билан қасам (онт) ичиш.**

Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳдан бошқасининг номи билан қасам ичса, кофир ёки мушрик бўлибди», деганлар (Термизий ривояти).

— **Хоҳишда бошқаларни Аллоҳга тенглаштириш.**

«Аллоҳ ва сиз хоҳласангиз!» деган одамга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен мени Аллоҳга тенг қиласанми?! Аллоҳнинг ўзи хоҳласа, де!» дея дашном бердилар (Насойий ривояти).

— **Коинотдаги жараёнларни Аллоҳдан бошқасига нисбатлаш.**

Бунинг далили ушбу қудсий ҳадисдир: «Бизга фалон ва фалон бурж сабабли ёмғир ёғди», деган одам Менга кофир, буржга мўмин бўлибди» (Муттафакун алайх).

### **6 — Ширк амалларни таъқиқлаш.**

Уларнинг айрим кўринишлари:

— **Балоларни даф қилиши ёки кушойиш бўлиши учун бўйин ва қўлга ҳалқа ва ипларни тақиш.**

Бунинг далили Имрон ибн Хусойн разияллоху анху ривоят қилган ушбу ҳадисдир: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бир одамнинг қўлида мис ҳалқани кўриб: «Бу нима?» деб сўрадилар. У одам: «Мени қувватсизликдан (асрайди)» — деб жавоб бергач, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Уни еч! У қувватсизлигингни кучайтиради. Агар у сенда турган ҳолатингда оламдан ўтсанг (жаҳаннамдан) ҳеч ҳам қутула олмайсан!» — дедилар (Имом Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоятлари).

— **Сукланишдан ҳимояланиш учун тумор (кўзмунчок), ип, камон ипи ва тақинчоқлар тақиш.**

Бунинг далили Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисларидир:

«Ким (сукланишдан асрашини эътиқод қилиб) тумор тақса, Аллоҳ унинг ишини тамомига етказмасин! Ким (ҳайвонларга) тумор тақса, Аллоҳ (у ҳайвонни) асрамасин!» (Имом Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоятлари);

Ҳокимнинг ривоятида эса шундай дейилган: «Ким тумор тақса ширк келтирибди!»;

«Ҳар бир туянинг (бўйнида) биронта ҳам тумор ва тақинчоқларни қўймай кесасан!» (Муттафақун алайх).

— **Ширк маъносидаги дам солишлар, азойимлар ва иситма-совутмалар.**

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «(Ношаръий дуолар билан) Дам солиш, тумор (тақиш) ва иситма-совутмалар — ширкдир» (Абу Довуд ривояти).

Иситма-совутма — рафикани умр йўлдошига суюкли қилиб кўрсатишини эътиқод қилинган амаллардир.

— **Ширк амаллари қилинган маконларда қурбонлик сўйиш.**

Бировнинг Бувона деган жойда туя сўйиш учун назр қилгани ва ўша жойда сўйиши ҳақида фатво сўраганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У ерда сиғинилган жоҳилият бутларидан биронтаси бормиди?» — деб сўрадилар. (Саҳобалар): Йўқ, дейишгач: «Назрингни бажо келтир!» — деди Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Абу Довуд ривояти).

— **Шумланиш.**

Бунинг далили Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху ривоят қилган ушбу марфуъ ҳадисдир: «(Қушлардан) шумланиш ширкдир! (Қушлардан) шумланиш ширкдир!» (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

**Тўртинчи: Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларига иймон келтириш.**

Бу, Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва олий сифатлари бор эканига қатъий ишониш ҳамда Аллоҳ ўзи учун Қуръони Каримда, Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатида исбот этган

камолот ва улуғлик сифатларини (махлуқотларига) ўхшатмай ва кайфиятсиз исбот этиш ҳамда Аллоҳ таоло Куръонида ва Пайғамбари Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам суннатида Аллоҳдан рад этган нуқсон ва айбли сифатларни, махлуқларига ўхшашликни таҳриф ва таътилсиз<sup>1</sup> инкор этиш, демакдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَاللَّهُ الْأَسْمَاءَ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا وَذَرُوا الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي أَسْمَائِهِ

سَيُجْزَوْنَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

**«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар). Унинг исмларида ҳақдан оғиб (ноўрин жойларда уларни кўллайдиган мушрик) кимсаларни тарк қилинглар. Улар яқинда қилиб ўтган амалларига яраша жазоланурлар»** (Аъроф: 180).

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

**«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир»** (Шуро: 11).

Аллоҳ таолонинг исму сифатлари тавқифий — Аллоҳ айтганидекдир. Уни билиш учун ақлга ўрин

<sup>1</sup> *Таътил* — сифатларни умуман исбот қилмаслик ёки баъзиларини исбот қилиб, баъзиларини инкор қилиш.

*Таҳриф* — шаръий далилларни лафз ёки маъноларида ўзгартиб, уларни зоҳирий маъноларидан лафз унга кучсиз эҳтимолда далолат қиладиган маъноларга буриш. Ҳар бир «таҳриф» таътилдир. Ҳар бир «таътил» таҳриф эмасдир.

йўқдир. Шунинг учун Аллоҳ таолони Аллоҳ таоло ўзини ўзи ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳни сифатлаган сифатлар билангина сифатлаб, Аллоҳни васфлар экан Қуръон ва суннатдан нарига ўтилмайди. Аллоҳ таоло зикр қилмаган сифатлар ҳақида сукут қилиш ҳамда инкор ва исбот мавзусида тўхташ, бу ҳақда бирон гап айтган одам бўлса, унинг мақсадини тушунтиришини талаб этиш, агар маъноси тўғри бўлса уни қабул қилиб, лафзини рад этиш, агар маъноси бузук бўлса, ҳам лафз ва ҳам маънони рад этиш лозим бўлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ

كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا ﴾

«(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки кулоқ, кўз, дил — буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшитган, кўрган ишонган ҳар бир нарсаи учун киши Қиёмат куннда жавоб беради)» (Исро: 36).

Аллоҳ таолонинг исмлари гўзалликнинг чўққисига эришди. Улар — Аллоҳ зотининг исмлари ва сифатларидир. Аллоҳнинг сифатлари мукамал бўлиб, уларда бирон жиҳатдан камчилик йўқдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَ لَهُ الْمَثَلُ الْأَعْلَىٰ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

**«Осмонлар ва ердаги энг юксак хислат (яъни Яккаю-Ягоналик) Уникидир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир»** (Рум: 27).

Аллоҳнинг исм ва сифатлари ўз ҳақиқатлари асосида ҳақдир. Уларни зоҳирига кўра, таътилсиз — маъноларини ўзгартирмай истеъмол қилиш керак. Уларни маъноларини ўзгартириш ёки (махлуқотларга) ўхшатиш ёхуд Аллоҳ таоло ўзини номламаган исмларни тўқиб чиқариш ёки Аллоҳнинг исму сифатларини махлуқотлар учун истеъмол қилиш ҳаромдир.

Ибодат ва тилаклар учун Аллоҳнинг исму сифатлари билан дуо қилиш. У исму сифатларни санай олиш ва маъноларини тушуниш, уларнинг осорлари ҳақида тафаккур қилиш ва уларнинг тақозосига амал қилиш лозим. Бу — илмларнинг энг шарафлисидир. Уларнинг маъноларини ўзгартириш ёки (махлуқотларга) ўхшатиш ёхуд Аллоҳ таоло ўзини номламаган исмларни тўқиб чиқариш ёки Аллоҳнинг исму сифатларини махлуқотлар учун истеъмол қилиш, ҳаромдир.

Аллоҳ таолонинг сифатлари Аллоҳга тааллуқи нуқтаи назаридан икки турлидир:

### **1 — Зотига тааллуқли сифатлар.**

Тириклик, Эшитиш, Кўриш, Билиш, Қодир бўлиш, Хохлаш, Ҳикмат, Қувват ва шунга ўхшаш Аллоҳдан айрилиши кутилмаган бошқа сифатлар, Аллоҳнинг муқаддас зотидан ажрамаган сифатлардир.

### **2 — Фейлий сифатлар.**

Бу сифатлар, Аллоҳ таолонинг хоҳиши ва ҳикматига алоқадор сифатлардир. Аллоҳ (Аршга) кўтарилиш, (қуйи осмонга) тушиш, суюш, нафрат этиш, севиниш, таажжубланиш, кулиш, келиш ва бундан бошқа Қуръони Карим ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида келган ишларни етук ҳикмати тақозосига мувофиқ тарзда хоҳлаган пайтида, хоҳлаганидек қила олади.

Гапириш-калом каби айрим сифатлар ҳақида: «Улар Аллоҳнинг зотий ва феълий сифатлари бўлиб, аслларига кўра зотий, тафсилот ва турларига кўра феълий сифатлардир», деб ҳам, «тури қадим, тафсилотлари янги-ходис» деб ҳам айтилди.

Айрим сифатларни эса «Берилган хабар сифатлар» деб ҳам айтилди. Масалан: юз, икки қўл, икки кўз, оёқ ва бундан бошқа, хабарлари соғлом бўлган сифатлар.

Аллоҳ таолонинг Қуръони Карим, ишончли-сахих суннат ва ижмоъ билан собит бўлган сифатлари:

### **1 — Олийлик сифати**

Бу сифат уч турлидир: қадрининг олийлиги, ҳукмронлигининг олийлиги ва зотининг олийлиги.

Аллоҳ таоло:

— зохирдир ва унинг устида биронта ҳам махлуқоти йўқдир;

— осмонларнинг тепасидаги аршига кўтарилгандир ва махлуқотларидан айрилгандир. (Яъни), Аллоҳда махлуқотларида бўлган бирон нарса йўқдир ва махлуқотларида ҳам Аллоҳ(нинг зотидан) бўлган бирон нарса йўқдир.

Олийлик сифати — Аллоҳ таолонинг зотига оид сифатлардан биридир.

## **2 — Кўтарилиш сифати**

Аллоҳ таоло самовоту ерларни яратганидан сўнгра аршига юксалиш ва ўрнашиш маъносида кўтарилди ва ўрнашди. Унинг кўтарилиши улуғлиги ва азаматига лойиқ равишда бўлиб, махлуқотларининг кўтарилишига ўхшамайди.

Кўтарилиш сифати — Аллоҳ таолонинг феълий сифатларидан биридир.

## **3 — Калом (гапириш) сифати**

Аллоҳ таоло махлуқотларининг товушларига ўхшамаган ҳақиқий, эшитиладиган ҳарфлар ва товушлар билан сўзларни гапиради. Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсасини қандай ва қачон хоҳласа тўғри ва адолат билан, азалий ва туганмас сўзлар билан гапиради. У, азалда ҳам гапирган ва ҳануз гапирмоқда.

Бу сифат, аслига кўра Аллоҳ таолонинг зотий, тафсилотларига кўра эса феълий сифатларидан ҳисобланади.

Бу сифатларнинг барча турлари ўз ҳақиқати билан ҳақдир. Уларни исбот этиш, (Қуръон ва суннатда) келганидек истеъмол қилиш ва зоҳирига қараб, кайфиятини суриштирмай тушуниш лозимдир. Бу хусусият барча сифатларга тааллуқлидир. Чунки айрим сифатлар ҳақидаги маълумот бошқаларига ҳам бирдек тааллуқлидир. Улар орасини айирган одам, далилу ҳужжатсиз айирган бўлади.

Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари борасида қибладошларимиздан айрим тоифалар адашдилар. Улар:

### 1 — Мумассилалар (Ўхшатувчилар)

Бу тоифадаги одамлар исму сифатларни Аллоҳ таолога исботлаш борасида шунчалар меъёрдан ошдиларки, у сифатларни махлуқлар сифатига ўхшатдилар ва: Бу — нусусларнинг тақозосидир! Чунки, Аллоҳ таоло инсонларга ўзлари билган махлуқотлар ҳақида хитоб қилгандир!, — дея гумон қилдилар.

Улар бир неча тарафдан раддия берилади:

**Аввало**, Аллоҳ таоло ўзига тенгдош ва ўхшаш бўлишни очиқ ва тафсилот талаб қилмайдиган оятларида рад этди ва шундай деди:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾

«Унга ўхшаш бирон нарса йўқдир!» (Шўро: 11);

﴿فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

«Бас билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаш-тирманг» (Бақара: 22);

﴿وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾

«Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир» (Ихлос: 4).

Аллоҳнинг оятлари бир-бирига зид бўлиши мумкин эмасдир.

**Иккинчидан,** расо ақл ҳам Комил ва Яратгувчи илоҳнинг қусурли ва яратилган банда сингари бўлишини қабул қила олмайди. Бинобарин, Аллоҳнинг зоти ва сифатлари бошқаларнинг зоти ва сифатларига ҳеч ўхшамайди!

**Учинчидан,** Аллоҳ субҳонаху ва таоло бандаларига маъно нуктаи назаридан тушуна олишадиган сўзлар билан хитоб қилди. Мутлақ умумий маъноларда шерик бўлиш ҳақиқат ва кайфиятда ўзаро ўхшашликни талаб қилмайди. Ҳатто махлуқотлар ўртасидаги эшитиш, кўриш ва қодир бўлиш каби исмлар мутаносиблиги, уларнинг тенглиги ёки ўзаро ўхшашлигини ифодаламайди. Шундай экан, Холик билан махлуқ ўртасида тенглик ва ўхшашликнинг бўлмаслиги очиқ равшандир.

## 2 — Муъаттилалар (Инкорчилар)

Муъаттилалар инкор этишда меъёрдан ошиб, таътилга йўл очдилар: Аллоҳ сифатларини инкор этдилар. Улар: Сифатларни Аллоҳ учун исбот этиш, айна сифатлар билан махлуқотлар ҳам сифатлангани боис, ўхшаш-тенгдош қилишни тақозо қилади. Демак, сифатлар Холикда йўқ экани маълум бўлади!, — дея гумон қилдилар ва Аллоҳ таоло учун сифатлари бўлмаган мутлақ мавжудликни исбот этдилар.

Муъаттилаларнинг энг ашаддийлари (бир-бирига) зид (сифатларни) инкор этган ботиний қаромиталар, сўнгра исм ва сифатларни инкор қилган жаҳмийялар, кейин эса исмларни исбот қилиб, сифатларни инкор қилган муътазилалардир.

Уларга бир неча тарафдан жавоб бериш мумкин:

**Биринчидан:** Аллоҳ таоло ўзи учун сифатларни кучли, очиқ ва муфассал оятларда исбот этиб, уларни тенгдош-ўхшашни инкор этишга боғлаб зикр қилди. Масалан:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

**«Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир. У, эшитувчи ва кўрувчи Зотдир»** (Шўро: 11).

Аллоҳнинг сўзлари бир-бирига зид бўлиши мумкин эмас.

**Иккинчидан:** Бирон сифат билан сифатланмаган мутлақ мавжудликни исбот этишнинг ҳаётда биронта ҳақиқати йўқдир. Балки, у — зеҳнлардагина пайдо бўладиган ҳаёлдир. Уларнинг бу сўзлари Холикни инкор этишга олиб боради.

**Учинчидан:** Муайян зотни мутлақ умумий сифатлар билан васфлаш, у сифатларнинг бошқа муайян зотда собит бўлишини тақозо этмайди. Балки, ҳар икки зотда битта умумий сифатнинг бир кўриниши бўлади, холос. Чунки, сифатни чекланса ёки илова қилинса, ташқи муштараклик ўз-ўзидан йўқ бўлади.

### 3 — Таъвилчилар

Таъвилчилар: Нусус (оят ва ҳадис)лар Аллоҳ таолонинг ҳақиқий сифатлари борлигини ифодаламайди, — дея эътикод қилиб, мазкур нассларни, сўзни зоҳиридан хилофига буриш имконини берадиган соғлом далилсиз бошқа маънолар билан тушунтиришга ҳаракат қилдилар ва ўзларининг бу инкорларини «таъвил» дея номладилар.

Уларга бир неча тарафдан раддия бериш мумкин:

**Биринчидан:** Аллоҳ таоло Ўзининг қандай Зот эканини бошқалардан кўра яхши билади. У, махлуқотларидан кўра ростгўй ва ва чиройли ифодаловчи Зотдир. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам эса Роббисини жуда ҳам яхши билган, ростгўй, баён этишга уста ва умматига насиҳатгўй зотдир. Шундай экан, Аллоҳ ва Расули соллalloҳу алайҳи ва салламга қарши қандай бирон гап айтилиб, уларнинг сўзларини залолат ва шубҳа воситаси қилиб олинади?!

**Иккинчидан:** Гаплардаги асос уларни ҳақиқатига истеъмол қилишдир. Уларнинг таъвили эса, зоҳиридан мажозига буришни тақозо қиладиган соғлом далил билангина жоиз бўлади. Далил эса йўқ.

**Учинчидан:** Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Роббиси тарафидан нозил қилинган ваҳийни одамларга баён қилиб, очиқ-ойдин етказдилар. Демак, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ушбу бузғунчилар иддао қилган сохта маъноларни баён қилмай, бу муҳим мавзунни ташлаб кетишлари мумкин эмасдир!

#### 4 — Номаълумчилар

Номаълумчилар — Аллоҳ ўзи ҳақида, Расули Аллоҳ ҳақида хабар берган маълумотларнинг барчасининг маънолари номаълумдир. Уларни Аллоҳнинг ўзигина билиб, уларни бошқа бирон кимсанинг билиш имкони йўқ!, — дея эътиқод қилиб, ўзларини «муфаввизаҳ» (Ишни Аллоҳга топширганлар), йўлларини эса «тафвиз» (Ишни Аллоҳга топшириш) дея номладилар.

Уларга ҳам бир неча жиҳатдан жавоб берилади:

**Биринчидан:** Ислом динининг энг шарафли мавзуларидан бири бўлган Аллоҳ таолони таниш мавзусининг ёпиқ бўлиши мумкин эмас. Чунки, на ақл ва на нақл буни қабул қилмайди.

**Иккинчидан:** Аллоҳ таоло Қуръони Каримни очиқ араб тилида нозил қилиб, бандаларини ундан айрилмаслик, унинг маъноларини тафаккур қилишга буюриб, ундан бирон нарсани истисно қилмади ва бу билан маъноларни билиш имконига далолат қилди. Маъноларнинг кайфияти ва аслий ҳақиқатлари эса, илми Аллоҳга топшириладиган ғайб ишларидир.

**Учинчидан:** «Номаълумчилар» йўли Ислом умматининг биринчи авлоди — салафи солихни жоҳилга чиқариш, уларни Қуръондан хаёлларнигина билиб, сифат оятлари улар учун тилсимлигича қолган эканини тақозо қилади. Ҳолбуки, луғат-қомуслар маъқул маъноларни ифода этмайди.

